ҒЎЗАНИ ЁШЛИГИДА ОЗИҚЛАНТИРИНГ!

Янгийўл. «Ленинизм» колхозининг пахтакорлари агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, ғўза парваришни кун сайин кучайтирмоқдалар. Ҳар бир картанинг шароити ва ғўзанинг талабига қараб культивация, суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Бу ерда ғўза зараркунандаларига қарши кураш ҳам намунали йўлга қўйилган. Ҳашарот тушган карталар ўз вақтида аниқланиб, дарҳол бу майдонлар заҳарли химикатлар билан дориланмоқда.

Суратда: 5-бригаданинг даласида ғўзага дори сепиш пайти.

А. АБАЛЯН фотоси.

ҚОРАКЎЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми тарихий қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон қоракўлчилари давлатга қоракўл тери сотиш ва топшириш йиллик планини 27 майда муддатидан илгари 101,5 процент бажардилар. 1962 йилнинг шу вақтдагига нисбатан 298 минг дона кўп қоракўл тери тайёрланди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР топшириқни муваффақиятли равишда адо этдилар.

Бу ютуқларга илғор зоотехника усулларини жорий қилиш, чўпонлар ва мутахассисларнинг фидоқорона меҳнати туфайли эришилди. Кўпгина колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари ҳар 100 совлиқдан 110-120 тадан ва ундан ҳам зиёд қўзи олишга муваффақ бўлдилар.

Томди ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз, совхозлари ҳар 100 совлиқдан 115 тадан қўзи, Нурота ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларида эса 110 тадан қўзи олинди. Сирдарё областидаги «Қизилқум» совхози ҳар 100 совлиқдан 154 тадан, Бухоро областидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Томди» совхозлари 130 тадан, Самарқанд областидаги «Коммунизм» давлат наслчилик заводи 128 тадан қўзи олишга эришди.

Қоракўл тери тайёрлаш давом этмоқда.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар

БЕКОБОД ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи Қ. Қозоқбоев, партия комитетининг секретари С. Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси И. Хатамов, район пиллачилик бошқармасининг бошлиғи С. Эрматов ўртоқлар). Бу бошқарма планни 113,8 процент бажарди.

ОҚҚЎРҒОН ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи И. Ли, бошқарма партия комитетининг секретари С. Тоиров, район ижроия комитетининг раиси Х. Обидов, район пиллачилик бошқармасининг бошлиғи Шокиров ўртоқлар). Бу бошқарма давлатга пилла сотиш планини 100,5 процент бажарди.

ЗАРБДОР УЧАСТКА

Ҳа, капитал қурилиши буюк мақсадимиз бўлмиш коммунистик жамият барпо этишнинг ҳал қилувчи зарбдор участкаларидан биридир. Чунки, яхши ният, яхши умид билан тузган улкан режаларимизнинг, белгиланган планларимизнинг амалга ошиши — Ватан куч-қудратининг мустаҳкамланиши, халқимиз турмуш даражасининг ўсиши кўп жиҳатдан ана шу соҳадаги ишларимиз кўламига, суръати ва сифатига боғлиқдир. Шу сабабли партиямизнинг масалалар масаласи бўлмиш капитал қурилишига ҳамиша катта эътибор бераётганлиги бечиз эмас.

Поёни йўқ севикли Ватанимизга хаёлан бир назар ташлайлик. Бутун мамлакатда миқёси жиҳатидан тенгги йўқ улкан қурилишлар олиб борилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз ўз қиёфасини йил сайин эмас, кун сайин ўзгартирмоқда, қадимий чўллар ўрнида гулистонлар барпо этилмоқда, асов дарёлар жиловланиб коммунизм қураётган қудрати зўр халқ иродасига бўйсунмоқда. Кўҳна тарих ҳали ҳеч қачон бу қадар катта ва улкан қурилишлар ҳажми ва миқёсини кўрмаган эди.

Областимиз бинокорлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш суръатларини тезлаштириш ва олижаноб мақсад йўлида зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили минерал ўғит ишлаб чиқарадиган янги цехлар, Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида мис саралаш фабрикасининг янги секциялари, электростанцияларда янги қувватлар ва бошқа кўпгина саноат объектлари ҳамда маданий-маиший бинолар ишга туширилди. Севимли пойтахтимиз Тошкент атрофидаги ҳозирги замон талаблари асосида қурилган автомобиль йўлқа йўлининг биринчи навбати эрта-индинга фойдаланиш учун топширилади.

Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотлари капитал қурилиши масалалари билан ишнинг кўзини билган ҳолда чуқур ва атрофлича шуғулланаётганликлари натижасидир, бинокорлар армияси бутун коллективнинг зўр ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб ишлаши самарасидир.

Қурувчиларимиз кейинги йилларда барча оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишларни тўла механизациялаш имконини берувчи ҳозирги замон техникасини тобора кўпроқ олабошладилар, қурилиш индустриясининг моддий-техника базаси ўсганлиги туфайли иш суръати ва сифатини беқиёс оширишга хизмат қилувчи йиғма темир-бетон деталлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш кескин кўпайди. Маҳаллий ресурслардан янада унумли фойдаланиш ва қурилиш ташкилотларига малакали раҳбарлик қилишнини таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорига биноан Ўрта Осиё республикалари бинокорларининг жанговар штаби — «Госсредазстрой» ташкил этилди.

Буларнинг ҳаммаси халқ хўжалигининг етакчи ва ҳал қилувчи соҳаларидан бири бўлган капитал қурилишига партиямиз Марказий Комитети кўрсатаётган ғоят катта эътиборнинг ёрқин мисолидир. Эндиликда гап партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг ғайрат-ш и ж о а т и г а, жон қуйдириб ишлашига, ташкилотчилик қобилияти ва маҳоратига, давлат томонидан яратилаётган бениҳоя катта имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда қолган. Энг муҳими — ажратилаётган маблағлардан, моддий-техника ресурсларидан ниҳоятда оқилона фойдаланиш, давлат ва халқ маблағининг ҳар бир сўмини ўз жойига ишлатиш, янгиликларни дадиллик билан кенг жорий этиш, қолоқлик ва турғунликка, хўжасизликка — хуллас, ишимиз манфаатларига зид бўлган камчиликларга қарши большевистик эҳтирос билан шафқатсиз кураш олиб бориш лозим.

Афсуски, фактлар ҳали бу соҳада жиддий камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Айрим хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг айби билан бир қатор муҳим объектларда шу йилнинг биринчи квартал плани бажарилмай қолди. Жумладан, Тошкент ёғ-мой комбинатида ажратилган капитал маблағларнинг фақат учдан бири ўзлаштирилди, холос. Етти йиллигимиз муҳим объектларидан бири бўлган Тошкент ГРЭСидаги шу кеча-кундузда олиб борилаётган ишлар суръати ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Оҳангаронда қад кўтараётган асбоконструкция заводи маҳсулотларини бинокорлар орзиқиб кутяпти. Аммо бу муҳим объект қурилиши жуда суст бормоқда. Ўтган йили топшириқ 62,6 процент бажарилган эди, холос. Бу йил ҳам аҳвол ўзгармаётир. 4 ойлик план бажарилмай қолди.

Бундай камчиликларнинг юз беришига асосий сабаб шундаки, қурилиш участкаларида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўнгилдагидек эмас, шу сабабли мавжуд ишчи кучи, машина ва механизмлардан ёмон фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш графигига қатъий риоя қилинмаслиги сабабли кўпчилик қурилиш ташкилотларида шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг тўртинчи кварталидагига нисбатан иш суръати анча паст бўлди.

Маблағ ва моддий ресурсларни ҳаддан ташқари кўп объектларга сочиб юборишу бу соҳадаги ишимизнинг энг жиддий камчиликларидан биридир. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг таъкидлашича, қурилаётган бинолар нақадар кўп бўлса, ҳар бир қурилиш шу қадар кам материал ва ускуна олади. Бошланган қурилишлар кўп деб, мақтанишдан фойда йўқ, балки объектларни тезроқ қуриш фойдали бўлади. Агар қурилаётган объектлар кўпайиб кетса, қурилиб битказиладиган корхоналар камайиб кетади. Бундай ҳолда капиталлар, ишчи кучи, ускуналар қурилиш ишларида техникавий имкониятларда мўлжалланганига қараганда кўпроқ банд бўлиб қолади. Шундай қилиб, сарфланган капитал самара беробошлайдиган муддат узайиб кетади. Давлат манфаатлари, ишимиз манфаатлари бу жиддий камчиликларни имкони борича тезроқ тугатишни талаб қилмоқда. Капитал маблағлар энг муҳим объектларга қанчалик яхши тўпланса, бу маблағлар ишлаб чиқариш соҳасига шунчалик тез киритилади, мамлакатимиз шунчалик тез бойийди.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари капитал қурилишининг мамлакат экономикасини юксалтиришдаги ғоят катта ролини ҳисобга олиб, бу соҳага кун сайин жиддий эътибор беришлари лозим. Улар ҳар бир қурилиш участкасидаги ишлардан доимо кўз-қулоқ бўлиб туришлари, камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни тугатиш юзасидан зарур чораларни кўришлари керак. Кенг омманни партиямиз тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун зўр ғайрат кўрсатиб ишлашга сафарбар этиш, янгиликларга кенг йўл очиш, ижодий ташаббусни кенг қулоч ёйдириш — партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларимизнинг муқаддас бурчидир.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 105 (2396). | 29 май чоршанба, 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Андижон областининг парранда чилари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар — давлатга тухум сотиш ва топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Ўн уч миллион донадан кўпроқ тухум тайёрланди. Бу эса ўтган йилнинг шу давригача тайёрланганидан икки миллион дона кўпдир. Балиқчи, Избоскан, Наманган, Хўжаобод ва Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари йиллик топшириқларни анча ошириб адо этдилар. Андижонликлар йиллик планга қўшимча тарзда давлатга миллион дона тухум сотиш ва топширишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ЧЕГАРАЧИЛАРИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети чегарачи қўшинларнинг 45 йиллиги кунида совет чегарачиларини — шавкатли Ватанимиз муқаддас чегараларининг зийрак соқчиларини қизғин қутлайдилар ва чин юракдан табриклайдилар.

Улуғ Ленининг ташаббуси билан тузилган, Коммунистик партия тарбиялаб чиниқтирган чегарачи қўшинлар шонли жанговар йўлни босиб ўтди, Ватанимиз чегараларини қўриқлаш соҳасидаги вазифаларни шараф билан муносиб адо этиб келмоқда ва совет чегараларида кечаю кундуз вахтада турибди.

Совет чегарачилари тинч қурилиш йилларида ва Улуғ Ватан уруши даврида халқимизнинг садиқ фарзандлари эканликларини, ҳушёр, матонатли ва довюрак жангчилар эканликларини кўрсатдилар. Улар Коммунистик партия ишига чексиз содиқ бўлиб, ўз фидоқорона хизматлари билан меҳнаткашларнинг чуқур меҳр-муҳаббатига ва ҳурматига сазовор бўлдилар.

Чегарачи қўшинларнинг энг муҳим бурчи — бундан буён ҳам мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ва давлат хавфсизлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, совет чегараларида душманнинг кирдикорларига қарши ҳушёрликни тинмай оширишдан иборат. Қўшинларнинг шахсий состави чегараларни қўриқлаш соҳасида хизмат қилишни ижодий такомиллаштириши, жанговар техникадан моҳирлик билан фойдаланиш, ҳамма қисмлар ва бўлинмаларни доимо жанговар шай ҳолатда сақлаши, буржуа идеологияси ва ахлоқининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз бўлиши керак.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қаттиқ ишонч билдирадиларки, марксизм-ленинизм идеяларига, Коммунистик партияга ва халққа чексиз содиқ бўлган чегарачи қўшинларнинг шахсий состави Ватанимиз чегараларини бундан буён ҳам ҳушёрлик, матонат ва маҳорат билан қўриқлай беради.

Севикли Ватанимиз чегараларининг зийрак ва мард соқчилари — совет чегарачиларига шон-шарафлар!

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

Яшасин ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

662 ЦЕНТНЕР ГЎШТ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Собир Раҳимов номли колхоз чорвадорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга гўшт сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди Мамлакатга 660 ўрнига 662 центнер гўшт етказиб берилди.

О. ИСКАНДАРОВ.

УСТА ПАХТАКОРЛАР МАСЛАҲАТИ

ГЕКТАР ТЎЛА, КЎЧАТ БУТ БЎЛСИН!

Х. ҚОДИРОВ
Бўка. Тельман номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

□ □ □

Бу йилги об-ҳаво шароити бизни янада сергак қилиб қўйди. Шу кунларда олдимизда ғоят масъулятли вазифалар турипти. Ана шу вазифаларни ўз вақтида амалга оширмасак панд еб қолишимиз мумкин. Маълумки ҳосилнинг салмоғи кўчатнинг тўлиқ бўлишига боғлиқ. Баъзибир деҳқонларимиз тўла гектар деганда карта чекаларига чизгит экиш, бирор қарич ҳам ерни бўш қолдирмаслик, деб тушунадилар. Тўғри, кафтдек жойни ҳам бўш қолдирмаслик, унга уруғ экиб, бўлиқ кўчат етиштириш деҳқон учун ҳам қарз, ҳам фарз. **ЛЕКИН ТЎЛА ГЕКТАР КЎЧАТЛАРНИНГ ТЎЛИҚ БЎЛИШИ БИЛАНГИНА БЕЛГИЛАНМАЙДИ. ЧУНКИ МЎЛЖАЛДАГИ КЎЧАТ БЎЛСА-Ю, УНДА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАНМАСА БУНДАЙ КАРТАЛАРНИ ТЎЛА ГЕКТАР ДЕБ БЎЛМАЙДИ. КАРТАСИНИ БЕГОНА ЎТ ҚОПЛАБ ОЛГАН ДЕҲҚОН ҲАМ, ИШЛОБ БЕРИШ ВА СУҒОРИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛМАГАН ДЕҲҚОН ҲАМ ТЎЛИҚ КЎЧАТГА ЭГАМАН ДЕЕЛМАЙДИ.** Келинг, яхшиси қай вақтда тўла гектар ҳосил бўлиши ҳақида фикр юритайлик.

Бегона ўт ҳосилнинг душмани ҳисобланади. Бу йил ёғингарчилик кўп бўлиши оқибатида кўп кўчатларни ана шу душман бегона ўтлар ўраб олди. Шу кунларда ҳарбир деҳқоннинг диққат-эътибори ана шу ниҳолга рўдаподек ёпишиб олган, унинг ғизғига, сувига шерик бўлаётган ўтларни қуритишга қаратилиши лозим. Карталарни кўздач кечирар экансиз ғўза тупларининг атрофида пайдо бўлган барра ўтларни кўрасиз. У жуда хавфлидир. Нега деганда бундай ўтлар тупроқнинг қаймоғини сўриб қўяди. Ерни қотириб юборади. Кўчатнинг бўғими қисилиб, илдизи эса ҳа деганда ривожланмай оқ илдиз отмайди. **КЎЧАТ ТУПРОҚДАН ИЛДИЗИ ОРҚАЛИ ЕТАРЛИ МИҚДОРДА ОЗУҚА, НАМ ҲАМДА ҲАВО ОЛМАДИ ДЕГАН СЎЗ РИВОЖЛАНИШДАН ТЎХТАДИ ДЕМАКДИР.** Ҳа, шундай ўтдан қисилган ғўзаларни то ўзига келтириб олгунча беш-ўн кун вақт ўтиб кетади. Бу эса ҳосилнинг бир қисмини бой бериш деган сўз. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз ўз қўлларидаги техникадан унумли фойдаланишлари, кўчат ёшлигида ишчи органларини иложи борича ниҳолларга яқинлаштириб жойлаштиришлари, шу йўл билан бегона ўтларни йўқотишлари зарур.

Бизнинг майдонларимиз асосан ер ости сувлари яқин жойлашган қора тупроқли ҳисобланади. Шундай карталардаги кўчатларни синиқтириб қўймаслик учун ҳарбир ишни ўз вақтида бажаришга тўғри келади. Айниқса ёмғирнинг кўп ёғиши натижасида ер ости сувлари янада кўтарилди. Ҳавонинг ҳарорати эса паст. Бошқача қилиб айтганда ғўзанинг ривожланиш йўлларида ғовлар пайдо бўляпти. Биз ана шу ғовларни олиб ташлаш мақсадида ҳарбир картани кўздан кечириб чиқиб, шароитга қараб иш тутаяпмиз. Шу кунларда ҳар гектар ер ҳисобига 150 килограммдан азот бераяпмиз. **ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, КЎЧАТНИ БЕГОНА ЎТДАН ОБДОН ТОЗАЛАБ БЎЛГАЧ ОЗИҚЛАНТИРИШ КЕРАК. ШУНДАЙ ҚИЛМАСАНГИЗ БЕРГАН ЎҒИТИНГИЗНИНГ БИР ҚИСМИ БЕҲУДА КЕТИБ ҚОЛАДИ.** Биз ўғитни ғўзанинг илдизига яқинлаштириб солиш билан яхши натижага эришаяпмиз. Чунки берган ўғитимиз кўчатга тез таъсир қилаяпти. Ҳозир ҳарбир туп ғўзага етарли миқдорда озуқа, сув ва ҳаво керак. Буларни эса деҳқоннинг ўзи тайёрлаб бериши лозим. Биз шу кунларда ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов бераяпмиз. Шундай қилинганда тупроқ юмшайди ва қўёш ҳароратидан қизиб бошлайди. Илдизнинг ривожланиши учун йўл очилади.

Деҳқонларимиз карталарни кўздан кечириб кўчатлар бир текис ривожланмаётганини аниқлаб чиқдилар. **БИЗ РИВОЖЛАНИШДАН ОРҚАДА ҚОЛАЁТГАН КЎЧАТЛАРГА ҚЎШИМЧА ОЗУҚА БЕРАЯПМИЗ. КЕРАК БЎЛСА ҚЎШИМЧА ИШЛОВ ВА СУВ ҲАМ БЕРАМИЗ. ШУ ЙЎЛ БИЛАН КАРТАЛАРДА ГЕКТАРЛАРНИНГ ТЎЛИҚ БЎЛИШИГА, КЎЧАТЛАРНИНГ БУТ БЎЛИШИ ВА БИР ТЕКИС РИВОЖЛАНИШИГА, МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАШГА ЭРИШАМИЗ.**

Ғўзаларни тўғри суғориш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Бордию кўчатлар барвақт суғориладиган бўлса бўғим оралари узайиб кетади. Ҳосил шохлари кўчатнинг юқори қисмидан ўсиб чиқади. Қузроққа бориб эса ғўзалар ётиб қолади. Бундай қолнинг юз бериши ҳосилни камайтириб юборади. Нега деганда ҳосил мевалари шамоллаб туриши керак. Ғўза ётиб қолганда эса унинг орасига ҳаво кирмайди. Барг ва таналар нимжонлашиб, ҳосил меваларининг пишиб етилиши учун етарли миқдорда озуқа етказиб бероймайди. **МЕЁРИДА СУВ БЕРМАСАНГИЗ КЎЧАТНИНГ РИВОЖ ТОПИШИ СУСАЯДИ. ПАСТ БЎЙИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. КАМ ШОХЛАЙДИ, ҲОСИЛИНИНГ СИФАТИГА ҲАМ, САЛМОҒИГА ҲАМ ПУТУР ЕТАДИ. ЧАНҚАГАН ҒЎЗАНИНГ БАРГЛАРИ ВА ТАНАСИГА СУВ ЕТИШМАЙ ҚОЛАДИ. БУНДАЙ КЎЧАТЛАР ҲОЛСИЗЛАНИБ ЕРДАН ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ОЗИҚ ҲАМ ОЛОЛМАЙ ҚОЛАДИ. БУНДАЙ ПАЙТЛАРДА ИЛДИЗ СУВ ВА ОЗУҚА ҚИДИРИБ ЧУҚУРГА ҚАРАБ ЎСАДИ. БУ ЎСИШ ЭСА КЎЧАТНИНГ ЕР ЎСТКИ ҚИСМИ ҲОСИБИГА БЎЛАДИ. БУНДАЙ КЎЧАТЛАР ҲОСИЛ МЕВАЛАРИНИ ТЎКИБ ЮБОРАДИ.**

Кўчатнинг илдизини барвақт ривожлантиришга одатланганмиз. Чунки ғўзанинг илдизи қанча барвақт ривожлантирилса, ҳосил шохлари шунча тез пайдо бўлади. Нега деганда ғўзаларнинг илдизи тупроққа чуқурроқ кетади, кўпроқ жойни эгаллаб олади. Бошқача қилиб айтганда тупроқдан озиқ олиш майдони кенгаяди. Туплар бақувват ўсади. Биз барча майдондаги кўчатларни озиқлантириб бўлгач, кетма-кет эгат оралатиб сув тарайямиз. Суғориладиган эгатнинг бўйи 200-250 метрдан ошмайди. Биринчи сув бериш пайтида айниқса эҳтиёт бўлиш керак. Чунки ана шу даврда тупроқ кўп сув талаб қилади. Эгатга таралган сувнинг оқиш тезлиги жуда паст бўлади. Карта кеч захлайди. Яъни эгатлар оёқланиши учун 2-3 сутка сув оқизиб қўйиш керак бўлади. Кўриниб турибдики, бундай қилинганда картанинг дастлабки сув таралган жойидаги кўчатлар остидан 2-3 сутка давомида сув оқиб турган бўлса, картанинг охиридаги кўчатлар эса фақат 3-4 соат давомида сув ичади, холос. Шундай усул билан суғорилган картанинг боши ва этагидаги кўчатларнинг, албатта фарқи бўлади. Биз бундай фарққа йўл қўймаслик мақсадида картанинг бош томонига эгат оралатиб сув тараган бўлсак, охиррогига бориб эса бир эгатдан оқаётган сувни икки эгатга бўлиб юборамиз. Шу йўл билан кўчатларнинг бир текис қониб сув ичишига эришамиз.

115 гектар ерга чигит экканмиз. Мақсадимиз етти йилликнинг бешинчи йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишдир. **ШУ МАРРАГА ЭРИШИШ УЧУН ҲАР ГЕКТАР ЕРДА КАМИДА 100 МИНГ ТУП КЎЧАТ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ЭРИШАМИЗ.**

Бунинг учун моҳир механизаторларимиз ғўза қатор ораларига юксак агротехника қоидалари асосида ишлов берадилар. Миришкор сувчиларимиз ҳар бир кўчатни ўз меёрида қондириб суғорадилар. Деҳқонларимиз эса ғўза туплари орасида биронта ҳам бегона ўт бўлмаслиги учун баракали меҳнат қилаяптилар. Ҳа, бизда албатта гектар тўла, кўчат бут бўлади.

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

Оққўрғон пиллачилари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошираборидб давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга пландаги 116 тонна ўрнига 116,560 килограмм пилла етказиб бердилар.

Баҳорги пилла қурти боқиш ва ундан мўл ҳосил етиштиришда «Ленинград», Охунбобоев номли колхозлар, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Улар планни бажарганликлари тўғрисида биринчилар қатори рапорт бердилар.

Шунингдек «XXII партсъезд», Димитров номли, «Ленинобод» колхозларининг пиллачилари ҳам давлат планининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Пилла териш ва топшириш давом этмоқда. Оққўрғонликлар пландан ташқари кам деганда 4.000 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВнинг БУХАРЕСТДАГИ КЕНГАШГА ТАБРИКНОМАСИ

Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев Болқон ҳамкорлиги учун курашаётган миллий комитетлар вакилларининг Бухарестдаги кенгашига табрикнома юбориб, бу кенгашнинг иши Болқонда ва Ўрта денгизда тинчлик ва дўстлик зонаси вужудга келтирчи йўлида қўйиладиган ижобий қадам бўлади, деб ишонч билдиради.

Табрикномада айтиладики, совет кишилари Болқон халқларининг Болқонда ҳамжиҳатлик ва дўстона ҳамкорлик вазиятини вужудга келтириш йўлидаги куч-ғайратларига батамом тушунган ҳолда қарамоқдалар.

Н. С. Хрушчев, яқинда СССР ҳукумати бутун Ўрта денгиз районини ракета-ядро қуролидан холи бўлган зона деб эълон қилишни ҳамда АҚШ ва Ғарбдаги бошқа давлатлар билан биргаликда бу районга ядро қуролини қўлланиш доирасидан ташқарида турувчи зона деб қараш ҳақида ишончли гарантиялар беришни таклиф этди, деб эслатиб ўтади.

Биз шунга аминмизки, деб ёзади Совет ҳукуматининг бошлиғи, мазкур таклифларнинг амалга оширилиши ана шу беполён райондаги давлатларга ўз иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал қилиш учун кўпроқ куч ва маблағ сарфлаш имконини берибгина қолмай, шу билан биргa, халқаро кескинликни юмшатиш ишига каттагина ҳисса бўлиб қўшилган, ёппасига ва батамом қуролсизланиш масалалари юзасидан бир битимга келиш имкониятларини оширган бўлур эди. (ТАСС).

РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ИЙҒИЛИШИ

□ □ □

Яқинда бўлиб ўтган, Тошкент шаҳар партия-хўжалик активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг секретари В. С. Скребнев саноат корхоналарида бефойда харажатларни тугатиш ва иқтисодий ишларнинг аҳволи ва шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи кўрсатиб ўтдики, КПСС XXII съезди ҳамда партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун олиб борилган курашда ишлаб чиқаришнинг ички резерврларидан мумкинг қадар тўлароқ фойдаланиш катта роль ўйнайди. Бу деган сўз иш вақтини бекор ўтказиш ва асбоб-ускуналарнинг тўхтаб туриши, хомашё материал ва энергетика ресурсларини ортиқча сарфлашга қарши қатъий кураш олиб бориш керак демакдир.

Корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва транспортдаги резерврлар битмас-туганмасдир. Бироқ, хўжалик раҳбарлари ва партия ходимларининг ҳаммаси ҳам давлат тийинини тежаш, социалистик хўжаликни бошқаришнинг илғор методларини эгаллаб олмаганликлари туфайли бу резерврлар фойдаланилмай келмоқда. Бунинг оқибати нималарга олиб келаётганлигини қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. 1962 йилда шаҳар саноати маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат планини ортиғи билан адо этди. Шу билан бир қаторда 29 корхона план топшириғини бажармади. 6 миллион сўмлик кам маҳсулот берилди. 25 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган планни бажармади. 24 корхона маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Шу йилнинг ўтган тўрт ойи ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 103,8 процент бажарилгани ҳолда, 20 корхона бир миллион сўмлик кам маҳсулот етказиб берди.

Буларнинг ҳаммаси кўпгина завод ва фабрикаларда брак маҳсулот ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналарнинг тўхтаб қолиши, хомашё, материал ва энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб сарфланмаганлигининг, ортиқча харажатларга йўл қўйилганлигининг оқибатидир.

Айниқса сифатсиз маҳсулот тайёрланаётганлиги кишини ташвишга солмасдан иложи йўқ. Текширилган 91 корхонада 1961 йилда брақдан қўрилган зиён 1308 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1962 йилда 1683 минг сўмга етди. «Узбексельмаш» заводида ўтган йили 150 минг, экскаватор заводида 128 минг, «Ташсельмаш» заводида 281 минг сўмлик брак маҳсулот ишлаб чиқарилди. 13 машинасозлик заводи бўйича бракка йўл қўйилганлиги туфайли ўтган йили бир миллион сўмдан зиёд зиён кўрилди.

Бизда бракка қарши кундалик кураш олиб бориш ўрнига мавжуд камчиликлардан кўз юмадиган, ҳақиқий аҳволни хас пўшлаб ўтадиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Масалан, 2-тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати мутлақо талабга жавоб бермайди. Бироқ фабрика раҳбарлари бу фактдан кўз юмиб келмоқдалар. «Узглавстрой»нинг авторемонт заводида, хладокомбинат, тўқимачилик-галантерея, трикотаж фабрикаларида, Тошкент сут комбинатида, гўшт комбинатида ва бошқа корхоналарда шундай аҳволни кўриш мумкин.

Трикотаж фабрикасининг директори Коршунов, партия ташкилотининг секретари Мартинова ўртоқлар ўтган йилдаги ишлар ҳақида ҳисобот бераётганларида брақдан кўрилган зиёнларни айтиб бермадилар, тўғрироғи бу фактни атайлаб бекитиб ўтдилар. Республика савдо министрлигининг буюмлар сифати бўйича давлат инспекцияси 1220 буюмни текшириб, улардан 830 тасининг сифати пастлиги, 415 (34 процент)таси брак эканлигини аниқлади.

Сут комбинати (директори Муталов, партия ташкилотининг секретари Қўшоқов ўртоқлар)да ҳам аҳвол яхши эмас. Бу корхонада ҳам брак маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўрилган зиёнлар бекитилган. 1962 йилда сифат бўйича инспекция 238 тонна маҳсулотни текшириб кўриб, унинг 125 тоннаси ёки 32,2 процентини бракка чиқарган.

Бундай аҳвол билан муросо қилиб бўлмайди. Маҳсулот сифати масаласи барча корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилоти диққат марказида бўлиши керак. Бу вазифани ҳал этиш учун кенг жамоатчиликни, касаба союз, комсомолни жалб қилиш, деворий газетадан фойдаланиш керак.

Ишни шундай ташкил этиш лозимки, корхонанинг ишини ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билангина эмас, балки унинг сифати билан ҳам баҳолансин.

Шаҳар саноати, темир йўл ва автомобиль транспортидан ёмон фойдаланаётгани, юкларни ташиш қоидалари кўп бузилаётганлиги туфайли жуда кўп ортиқча харажатларга йўл қўйилмоқда. Шаҳардаги текширилган 17 корхонада транспорт билан боғлиқ бўлган ортиқча харажат 200 минг сўмни ташкил этди. Бу 1961 йилдагига қараганда 15 минг сўм кўпдир. Бу корхоналарда юкларни ташиш ва маҳсулотни реализация қилиш вақтида тўланган жарималар миқдори 1142 минг сўмни ташкил этди. Бу эса худди шундай сабаблар билан 1961 йили жарималарга тўланган пул миқдоридан деярлик 350 минг сўм ортиқдир.

Автомобиль транспортидан фойдаланиш соҳасидаги ишимиз ҳам қониқарли эмас. Юк автотранспортининг нормадан ортиқ туриб қолгани учун 1962 йилда корхоналардан 15 минг сўм миқдорида жарима олинди. Ҳаттоки, хужжатларни эҳтиётсизлик билан расмийлаштирилганлиги учун 26 минг сўм тўланди. Корхоналарнинг айрим раҳбарлари таъминот ва тарқатиш хизматидаги ишларни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ўрнига ўйламай-нетмай ҳар хил жарималарга кўплаб миқдорда пул сарфламоқдалар.

Докладчи электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига тўхталди. 1962 йилда шаҳар саноати корхоналарида қарийб 29 миллион киловатт-соат электр қуввати тежалди. Бу соҳада Тошкент кабель, тепловоз-вагон ремонти, 1-ремонт-механика, «Ташавтомаш» заводлари каноп фабрикаси, 1-ун комбинати ва бошқа корхоналарда яхши кўрсаткичларга эришилди. Электр қуввати сарфини камайтириш янги техникани жорий қилиш, машиналарнинг тезлигини ошириш ва бехуда ҳаракатини камайтириш, статистик конденсатор ўрнатиш ва бошқа техника янгиликларини жорий қилиш ҳамда ташкилий тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

Бироқ, шаҳарнинг қатор корхоналари ўз энергетика хўжалигидан ҳамон яхши фойдаланмаётир. 14 та заводда нормада белгиланганидан 1765 минг киловатт-соат электр қувватини ортиқча сарфлаб юборилган. Бу гап биринчи галда 3-гишт заводи, ремонт-экскаватор, подшипник заводларига тегишлидир. Электр қувватини тежаш масаласи ҳамиша диққат марказда туриши лозим.

Докладчи қатор корхоналарда бухгалтерия ҳисоб-китобининг янада яхшиланиши лозимлигини уқтириш билан бирга иқтисодий ишнинг аҳволи ва кадрларнинг иқтисодий билимини анализ қилади.

Саноатда иқтисодий ишнинг муваффақияти биринчи галда кадрларга боғлиқ. Шунинг учун иқтисодий ўқишга биринчи навбатда махсус маълумоти бўлмаган кишилар жалб қилинмоғи керак. Ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассисларнинг кенг активини иқтисодий ишга жалб қилишда коммунистларнинг ташкилотчилик роли ошириш лозим.

Хўжаликни шундай олиб бориш керакки, корхоналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари кун сайин яхшиланиб борсин. Бугуни кунинг биринчи даражали вазифаси, талаби шу.

Доклад юзасидан музокаралар бошланади. Куйбишев район партия комитетининг секретари ўртоқ **Хўжаев** трибунага чиқади.

— Районимиз корхоналари шаҳарда тайёрланаётган саноат маҳсулотининг 23 процентини ишлаб чиқаради, — дейди у. — Бу саноатчиларимиз зиммасига катта вазифалар юклайди. Улар шуни ҳисобга олиб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Корхоналарда коммунистик меҳнат таитанаси учун бошланган ҳаракат кенг қулоч ёйди. Сўнгги уч йил ичида партия ташкилотлари минглаб ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларни иқтисодий ўқувга жалб қилдилар. Бу техника прогрессининг ошишига, ишлаб чиқариш командирлари иқтисодий билимларининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди.

— Шуни очиқ айтиш керакки, — дейди ўртоқ Хўжаев, — айрим корхоналар брак буюмлар ишлаб чиқармаганида эди, саноатимиз муваффақиятлари янада салмоқлироқ бўларди.

Ўтган йили районимиз корхоналари брак маҳсулотдан 615 минг сўм зарар кўрди. Фақатгина шу йилнинг биринчи кварталида «Ташсельмаш» заводида кўрилган зарар 4 минг сўмни ташкил этади. Экскаватор заводида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Шаҳар партия комитети ҳузуридаги иқтисодий анализ бюросининг раиси ўртоқ **Худковский** жамоатчи экономистларнинг ажойиб ишлари ҳақида сўзлаб берди. Улар корхоналарда фойдаланилмаётган резерврларни чуқур анализ қилиш ва давлат маблағларини толон-тарож бўлаётганлигининг сабабларини очиб ташлашда шаҳар партия комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

— Кўпинча, — дейди у, — биз ишлаб чиқариш планларини бажармаётган корхоналар раҳбарларини танкид қиламиз. Бу тўғри, албатта. Шу билан бирга ҳамма нарса жойида кўринган корхоналарга ҳам қиё боқиш керак.

Ўртоқ Худковский Тошкент тўқимачилик комбинати мисолида ҳарбир корхонада ҳам фойдаланилмаётган резерврлар борлигини яққол кўрсатиб берди.

Сўнг Тошкент тўқимачилик комбинатидаги жамоатчилик асосида ишлайдиган иқтисодий анализ бюроси раиси ўртоқ **Пономаренкога** сўз берилади.

— Бундан бир йилча муқаддам, — дейди у, — комбинатимизда битгагина иқтисодий анализ бюроси бор эди, ҳозир эса уларнинг сони 9 тага етди. Биз қолоқ ишлаб чиқариш участкаларини илғорлар сафига етказишга ахд қилганмиз. Шунинг учун бундай қолоқ участкалар коллективларига қўлланиш учун махсус тавсияномалар ишлаб чиқдик.

Бюролар фаолиятини координациялаш учун кенгаш ташкил этилди. Шуниси характерлики, жамоатчи иқтисодчилар кўпинча партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группа ва «Комсомол прожектори» отрядларининг сигналлари асосида цех ва фабрикалар ишини анализ қилишга киришади. Ишчиларнинг ўзи ҳам иқтисодий анализ бюролари фаолиятида актив иштирок этишаяпти. Уларнинг ёрдами билан ип фабрикасида толанинг ортиқча сарфланаётганлиги, механика заводида деталларни тайёрлашдаги норма ошириб юборилганлиги аниқланди.

Биринчи пойафзал фабрикаси партия бюросининг секретари ўртоқ **Аюпов** минбарга чиқади. У яхши сифатли пойафзал ишлаб чиқаришни таъминлай олмаган корхона раҳбарлари ҳақида докладда айтилган танқидий мулоҳазаларни тан олади.

— Фабрика тўрт ойлик планни бажарган бўлса ҳам, дейди у, — ҳали ишимизда катта камчиликлар бор. Маҳсулотимиз ҳамон харидорларнинг ҳаққоний таъналаригa сабаб бўлаяпти.

Бизда фойдасиз харажатлар кўп. Шу йилнинг биринчи кварталида бу кўрсаткич 21 минг сўмни ташкил этди. Пойафзалнинг паст сортларга ўтказилиши натижасида фабрика 6 минг сўм штраф тўлади.

Ҳозир фабрикамизда иқтисодий анализ бюроси ишлаб турипти. Ишчиларни қўшимча касбларга ўргатиш ташкил этилган, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш бўйича чоралар кўрилаяпти.

Ўртоқ Аюпов, фабрика партия ташкилоти ва раҳбарлиги йўл қўйилган камчиликларни тез вақт ичида бартараф қилади, деб актив қатнашчиларини ишонтирди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети партия-давлат контроль комитетининг раиси ўртоқ **Толипов**, жамоатчи контролёрларнинг жанговар ишлари ҳақида гапириб берди. У «Ўзбекхлопкомаш», «Карборунд», Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводлари ва бошқа бирқанча корхоналардаги партия-давлат контроль комитетига кўмаклашувчи группалар ишини мақтади.

Республика пойтахтида ҳозир ўз сафига 8 мингга яқин кишини бирлаштирган 100 га яқин группа ва постлар бор. 6 мингдан ортиқ контролёрлар «Комсомол прожектори» отрядларида иштирок этмоқда.

Аммо, — дейди нотиқ, — шундай раҳбарлар ҳам борки, булар халқ контролёрлари сигналлари бўйича дарҳол чоралар кўришмаяпти.

Пайпоқ-трикотаж фабрикасининг кўмаклашиш группаси брак маҳсулотнинг кўпайиб бораётганлигининг илдизини очиб ташлади. Шу асосда фабрика раҳбарлари айб-дорларни қаттиқ огоҳлантиришди ҳам. Охири нима бўлди денг? Текшириш шуни кўрсатдики, фабрикада ҳамон кўплаб брак буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ганч заводи раҳбарлари ҳам жамоатчи контролёрларнинг ташвишли сигналларини инобатга олмаётирлар.

Актив қатнашчилари Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ **Тарановскийнинг** нутқини эътибор билан тингладилар. У айрим корхоналарнинг бир меёрда ишламаслиги, штурмчиликка, фойдасиз харажатларнинг кўпайишига, айрим ҳолларда эса ишчиларнинг бошқа корхоналарга кетиб қолишларига олиб келаётганлигини кўрсатди.

Давлат бачки Ўзбекистон қонтораси бошқарувчисининг ўринбосари **Сенчук**, Ильич номли тажриба заводи ва давлат конструкторлик-технологик бюросининг бошлиғи **Куличенков**, «Ўзэнергосбит» ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи **Шполянская** ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида шаҳар саноат корхоналарида фойдасиз харажатларни камайтириш учун қандай чоралар кўриш ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш йўллари ҳақида гапирдилар.

Шаҳар партия активи йиғилиши қатнашчилари муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон пойтахти партия активи йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Н. В. Мартинов**, Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат **Г. Ф. Наймушин**, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети партия-давлат контроль комитети раисининг ўринбосари **И. Р. Арнаутов**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари **А. С. Абдалин** ва Тошкент саноат область партия комитети ва область ижроия комитети партия-давлат контроль комитетининг раиси **И. Р. Рахматов** ўртоқлар иштирок этдилар.

Қўғирчоқ театрининг Тошкентдаги гастроллари тамом бўлди

СССР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий қўғирчоқ театрининг Тошкентдаги гастроллари беш ҳафта давом этди. Спектакль берилган кунларда Свердлов номли концерт зали доимо лиқ бўлди. Катта ва кичик томошабинлар ҳар оқшом «Мисли йўқ концерт» ёки «Мужгонларинг кўйида», «Буратино» ёки «Қувноқ айиқчалар» ўйналишидан қатъий назар, ҳамма спектакларни бир хилда қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. Қўғирчоқ театрининг жаҳонга довруқ солган ажойиб санъати тошкентликларни мафтун қилди.

Театр Ўзбекистон пойтахтидаги гастролларини 25 майда «Мужгонларинг кўйида» спектакли билан тамомлади. Спектаклни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ҳам томоша қилдилар.

Спектакдан кейин Е. С. Насриддинова артистлар коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди ва уларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан янги ижодий муваффақиятлар тилади. Театр совет санъатини ривожлантиришдаги ютуқлари учун ана шу Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди.

Е. В. Сперанский юксак мукофот учун театрнинг ҳамма ходимлари номидан қизғин миннатдорчилик билдирди. (ЎзТАГ).

Тошкент экспериментал заводида изотоп асбоблар цехи ташкил этилди. Суратда слесарлар Николай Коротков (чапда) ва Роберт Энгельбрехт ўртоқлар изотоп асбоблардан бирини йиғиш пайтида.

А. Абалян фотоси.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Пойтахтимизнинг Киров районидаги «Бодомзор» маҳалласи кейинги йилларда танилиб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Маҳалланинг ҳамма кўчаларига асфальт ётқизилди, йўл чеккаларига эса манзарали дарахтлар ўтказилди. Ильич нурлари ҳаммадақни ёритмоқда.

Бўзсув бўйидаги чойхона эса маҳалла меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ чиқарадиган жойига айланган. Яқиндагина маҳалла территориясида ишга тушган озиқ-овқат магазини аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти.

Шу кунларда меҳнаткашлар ўз кучлари билан маҳалла комитети учун идора биноси қуришга киришдилар. Маҳалладаги ободончилик ишларига комитет раиси Т. Эрматов ва бошқа активлар бош-қош бўлмоқдалар.

В. ОДИЛОВ.

ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИ ТЎГАРАГИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетида қарийб бир йилдан бери Ўрта Осиё тарихини ўрганиш илмий тўгараги ишлаб турипти. Тўгаракнинг ҳарбир машғулоти қизиқарли ўтади. Чучки, машғулотларни тажрибали тарихчи ва археолог олимлар олиб боришади.

Тарих фанлари кандидати Н. Горбань, доцент Г. Чабров ва бошқалар томонидан ўқилган лекцияларда Ўрта Осиё тарихини ўрганиш бўйича кейинги йилларда қўлга киритилган янгиликлар ҳикоя қилиб берилди.

Яқинда илмий тўгаракнинг навбатдаги 60-машғулоти ўтказилди.

Я. ОКУНЕВ.

ЯХШИ ЯКУНЛАР

КПСС XXII съезди қарорлари асосида «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» Бирлашган нашриёти босмахонасининг бошланғич партия ташкилоти қошида ташкил этилган партия маорифи тўгаракларида навбатдаги ўнуб йили муваффақияти ўтди. Бу тўгаракларда босмахонанинг 338 ишчи ва хизматчиси мунтазам суратда қатнашиб турди. Тўгарак қатнашчилари КПСС Программаси, партия Марказий Комитети ноябрь Пленумининг материаллари ва конкрет экономикани атрофлича ўргандилар.

Кеча партия маорифи тўгаракларининг якунловчи назарий конференцияси бўлиб ўтди. СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш тўғрисидаги масала юзасидан ўртоқ А. Давидова мазмунли доклад қилди.

— Партия маорифи тўгаракларининг машғулотлари биринчидан босмахона ишчи ва хизматчиларининг назарий ва сиёсий билимларини мустаҳкамлаган бўлса, иккинчидан уларнинг меҳнат активлигини беқиёс даражада ошириб юборди, — деди докладчи. Босмахонамиз коллективи етти йиллиқнинг бешинчи йилини газеталарнинг тиражини кўп миллион нусхага, китобларнинг тиражини 2 миллион нусхага кўпайтириш билан якунлашга ахд қилди. Бундан буён маҳсулот сифати учун кураш бизнинг диққат-эътиборимизда туради.

Шунингдек, назарий конференцияда Н. Богданов, Г. Пятигорский, В. Кузнецов, В. Баловнев, В. Дерновой, Б. Мўминов ўртоқлар ҳам сўзладилар.

УНУТИЛГАН СОҲА

МАТБУОТ ОБЗОРИ

□ □ □

«Мўл ҳосил учун»нинг бир сони бизга жуда ёқди. Мириқиб ўқидик. Агитаторлар газетада босилган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози машъалларига бағишланган саҳифани кенг пропаганда қилишди.

Ҳақиқатан ҳам газетанинг бу иши эътиборга сазовор эди. Саҳифада совхоз ишчиларининг деҳқончилик маданиятини кўтариш, техникадан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширишдаги ютуқларн бирма-бир, содда қилиб тушунтириб берилганди. Ишчиларнинг жўшқин ҳаётини тасвирловчи фотосуратлар саҳифани очиб юборган.

Агитаторларнинг газета материалларидан ва маҳаллий фактлардан уставлик билан фойдаланиб илғорлар тажрибасини пропаганда қилишдаги ишлари ўз самарасини берянти. Кўпгина ишчилар, колхозчилар, илғор совхоз коллективидек ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бераётирлар.

Далаларни айланган киши агитаторларнинг оташин сўзларини эшитиб, беҳад қувонади. Улар моддий бойликлар яратишдаги вазифаларни жойли ва таъсирли ибораларда ифода қилмоқдалар. Кишилар қалбига кириб бораётирлар. Ернинг, сувнинг, техниканинг қадрига етишга даъват этмоқдалар.

Бу соҳада «Ленинград» колхози агитаторлари анча иш қилдилар. Уларнинг бутун куч ва эътибори қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга, олинган социалистик мажбуриятни бажаришга қаратилган. Агитаторлар ҳар куни далада. Кишилар билан гаплашадилар, ҳол-аҳвол сўрайдилар, турли темаларда суҳбатлар ўтказадилар. Илғорларнинг учрашувларини ташкил этадилар, Қолоқларнинг камчиликларини кўрсатадилар. «Жанговар варақа» чиқарадилар.

Умуман олганда агитаторларнинг мазмунли суҳбатлари, оташин чақириқлари кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашга яқиндан ёрдам бераяпти. Шу сабабли ҳам деҳқонлар уларни бизнинг энг яқин дўстимиз ва маслаҳатгўйимиз деб айтмоқдалар.

Бундай уюшган агитколлективни бошқа хўжаликларда ҳам кўриш мумкин. Лекин қишлоқ агитаторларининг фойдали ва ибратли ишлари Ўзбекистон КП Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг газетасида ўз ифодасини топмаяпти.

Газетанинг кейинги икки ойлик материалларини синчиклаб ўқиб чиқдик. Бошдан-оёқ бир тема: қишлоқ хўжалиги ишларининг кундалик маълумоти. Улар ҳам бир қолипда. Бири иккинчисига ўхшаш. Партком секретарларининг мақолаларидаги фактлар колхоз ранларининг мақоласида такрорланаяпти, холос. Газетада оммавий-сиёсий ишлар хўжалик ишларига боғланган ҳолда, изчиллик билан ёритилмаяпти.

Газета саҳифаларида колхоз ва совхоз ишчилари ўртасида олиб борилаётган оммавий-тарбиявий тушунтириш ишлари ҳақида ёзилган материалларни учратиш жуда қийин. Афтидан редакция ходимлари дала ишларининг ушоқлик билан бориши — кўп жиҳатдан оммавий-сиёсий ишларнинг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ эканлигини яхши тушуниб етмаганга ўхшайдилар.

Мана, «Илғорликни қўлдан бермаймиз» сарлавҳали мақола.

«Колхозимизда, — деб ёзилади ўша мақолада, —34 кишидан ташкил топган агитаторлар бригадаси (?) тузилди».

Қизиқ, бу нимаси бўлди. Газета бу билан нима демоқчи? Ҳеч қачон колхозда агитаторлар бригадаси тузилмаган эди-ку. Эҳтимол «Мўл ҳосил учун» газетасидаги ўртоқлар ҳали ҳам бригада билан агитколлективнинг фарқини тушуниб олмагандирлар.

«Ҳимматга ҳиммат билан» сарлавҳали хабарда ҳам ана шундай юзакичиликка йўл қўйилди. Редакция ходимлари партия ташкилотлари ва агитколлективлар билан яқиндан алоқа боғламаганлар. Шу сабабли улар идеология ходимларининг ишларидан яхши хабардор эмаслар.

Кўп колхоз ва совхозда шиор, плакатлар кўринарли ерларга осиб қўйилмаган. Баъзи ерлардаги шиорлар ,умумий чақириқлардан иборат бўлиб қолган. Колхозчи ва совхоз ишчиларининг галдаги вазифаларини яққол кўрсатиб бермайди. Ҳаётдан ажралган. Лекин бундай камчиликлар газетанинг ўткир ва принципиал танқидига учрамаяпти.

«Мўл ҳосил учун» идеология ишларининг бошқа соҳаларини ҳам қониқарсиз ёритмоқда. Маданият уйларининг фаолиятлари, хаваскорлик тўгаракларининг иши, лекция пропагандаси ҳақида чурқ этмай турипти. Лектор ва пропагандистлар иши газета эътиборидан четда қолиб кетди. Кадрларни тарбиялаш, жой-жойига қўйиш, раҳбар ходимларнинг сиёсий докладлар билан чиқишига оид материалларни ёритиш юзасидан редакцияда аниқ бир план йўқ.

Қисқа қилиб айтганда «Мўл ҳосил учун» газета редакцияси (редактори ўртоқ А. Убайдуллаев) меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек энг муҳим ишга муносиб ҳисса қўшмаётир.

Газета редакцияси идеология ишларини ёритишда йўл қўйган камчиликларни дарҳол тузатиш юзасидан зарур тадбирлар кўриши керак.

СУРЪАТ ЖАДАЛ

Вревскийдаги авторемонт заводи тобора кенгаймоқда. Корхонада янги ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтарди. Станок парки қўшимча асбоб-ускуналар ҳисобига бойиди. Бу тадбир машиналарнинг двигателларини ҳамда автопоездларни ремонт қилишни жадаллаштириш имконини бермоқда.

Корхона коллективи бу йил ўтган йилдагига қараганда қарийб икки баравар кўп иш бажариши керак. Ремонтчилар бу улкан вазифани муваффақиятли ўринлатиш иштиёкида ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Улар ойлик топшириқларни мудом ортиқ билан адо этишаяпти. Машина ва автопоездларни сифатли ремонт қилиб, деҳқонларга чинакам кўмакдош бўлмоқдалар.

Шу кунларда меҳнатсевар коллектив беш ойлик планни бажариш арафасида турипти. Заводда ишлаб чиқариш топшириқларини ортиқ билан бажараётган ва коллективнинг ҳурматэътиборини қозонаётган ремонтчилар жуда кўп. Мастерлар Г. Сахань, С. Сулаймонов, слесарлардан С. Давиденко, Н. Шевченко, А. Онишченко, токарлар В. Каяльков, С. Созантов ўртоқлар яхши ишлаб, касбдошларига ибрат бўлмоқдалар.

В. ПРИШЧЕПА.

Чевар қизлар — Гулнора Еқубова ва Машкура Одиловаларнинг меҳнат самарасидан Тошкентдаги «8-март» бадиий каштачилик фабрикасининг коллективи ғоят мамнун. Икки дугона бир-бири билан мусобақадош. Шу кунларда улар смена топшириғини 130-140 процентдан бажаришаяпти. Суратда: Г. Еқубова ва М. Одилова.

А. Тўраев фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Натижаларни маълум қилади

„АВТОБАЗАДАГИ ҲАНГОМАЛАР"

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли автобаза директори Ф. П. Кравченко ишчиларнинг иш шароитини яхшилашга эътибор бермаётгани, манманликка берилиб, ишчиларга қўпол муносабатда бўлаётгани газетамизнинг 20 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада танқид қилинган эди.

Киров район партия комитетининг секретари ўртоқ Акрамовнинг редакцияга хабар қилишича комиссия мақола юзасидан текшириш ўтказган. Унда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланган. Мақола автоколонналар ва автобаза партия мажлисида муҳокама қилинган. Муҳокамада автобазада йўл қўйилаётган камчиликлар очиб ташланган.

Комиссия автобаза партия ташкилоти даволаш муассасалари олдига қўйилган вазифаларни бажаришда автобаза коллективини салмоқли ҳисса қўшишга сафарбар қилиши, ишлаб чиқариш мажлисларини тез-тез ўтказиб туриши ва содир бўлган камчиликларни ўз вақтида олдини олиши лозимлигини уқтирган.

Текшириш натижалари автобаза раҳбарлари иштирокида район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган ва автобаза директори Кравченконинг талабчанликни қўлдан бериб қўйгани кўрсатилган ҳамда хизматчилар билан қўпол муносабатда бўлгани қаттиқ қораланган.

„ХИЗМАТ ҲАҚИ НЕЧА ПУЛ?"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 7 апрель сонида босилган «Хизмат ҳақи неча пул» сарлавҳали мақола сартарошхоналар хизмати комбинатининг очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди. Мажлисда шаҳар сартарошхоналарида меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш ҳанузгача талаб даражасида эмаслиги, хизматчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмагани ҳамда сартарошхоналар керакли нарсалар билан таъмин қилинмагани тўғри кўрсатилган деб топилди. Мақолада кўрсатилган камчиликларни йўқотиш юзасидан бир қанча тадбирлар белгиланди.

Кичик сартарошхоналар бирлаштирилди. Кир ювишни марказлаштириш учун кирхона, чархлаш электромеханика цехи ва кассирлар ишини енгиллаштириш учун инкассация ташкил қилинди. Сартарошхоналарни зарур буюмлар билан таъминлаш анча яхшиланди. Комбинат шу йили яна янги асбоб-ускуналар ва инвентарлар олади. Сартарошхоналар хизматини текшириб туриш учун комиссия тузилди, ва ишга киришди.

А. АНИШЧУК

аҳолига маданий хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи».

ЭКИННИ ЎТГА БОСТИРМАНГ!

Мўмин Каримовни колхозда ким танимайди дейсиз. Уни каттадан-кичик моҳир механизатор сифатида жуда яхши билишади. Бу азамат шу кеча-кундузда Янгийўл бошқармасидаги Свердлов номли колхоз далаларида жонбозлик кўрсатаяпти. Ғўза қатор ораларида сифатли культивация ўтказиб, ниҳолларни яшнатмоқда. Суратда: механизатор Мўмин Каримов.

В. Салов фотоси.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Калинин бошқармасидаги «Москва» совхозининг дала шийпони меҳнаткашлар билан гавжум. Улар ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи юзасидан ўтказиладиган китобхонлар конференциясига тўпланишган.

Китобхонлардан Р. Алаева, Х. Раҳматова, В. Маҳаматов, Т. Нишоновлар «Бўрондан кучли» романи ҳақида доклад қилиб, асарнинг тили, ундаги ижобий ва салбий образларнинг ўзига хос хусусиятлари ёзувчи томонидан моҳирлик билан очиб берилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Китобхонлар конференциясининг охирида сўзга чиққан совхоз директори О. Усмонов конференцияни уюштирган кутубхона ходимларига бу ерда тўпланганлар номидан миннатдорчилик билдирди.

М. ҚУЗИЕВ.

„ЎЗГАРИШ“ДА ЎЗГАРИШ

«Ўзгариш» совхозида хўжаликнинг номига яраша кўпгина ўзгаришлар бўляпти. Совхоз экономикаси йил сайин эмас, ой сайин ривожланиб бораяпти. Хўжаликнинг деярлик ҳамма тармоғи тез ўсаётганлигини ишчиларнинг мамнунлигидан, улар турмушининг кундан-кунга яхшиланаётганидан, қишлоқнинг обод ва кўркамлашиб бораётганидан сезиш мумкин.

Бу ҳаммаси даставвал мазкур хўжалик коллективининг меҳнатга зўр ихлос ва муҳаббат билан қараши, қудратли техника ва илғор агротехника фанига таяниб ишлаши, аҳли ва иноқлигининг самарасидир. Қувончли натижаларга эришишда хўжаликка малакали раҳбарлик қилиш, партия ва хукуматнинг колхоз ва совхозлар ишини яхшилаш юзасидан қилаётган ғамхўрликлари ҳам катта роль ўйнайди.

Ҳа, совхоз раҳбарлари, коллективга ишнинг кўзини билиб бошчилик қилдилар. Шунинг учун ҳам 1962 йили совхозда зиммага олинган социалистик мажбуриятларни деярли ҳамма соҳалар бўйича ортиғи билан бажарилди.

Совхоз коллективи бу йил 946 тонна картошка, 2714 тонна сабзавот ва қовун-тарвуз, 110 тонна гўшт, 3500 центнер сут, 500 минг дона тухум ва 800 килограмм асал сотиш мажбуриятини олганлар. Утган йили улар совхозга 86 минг ўрнига 131 минг сўм фойда келтирган бўлсалар, бу йил пландаги 85 минг ўрнига камида 150 минг сўм жамғарма беришга астойдил ахд қилганлар. Бунинг учун етиштириладиган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини белгиланганидан 5 процент камайтиришмоқчи.

Бу ерда айниқса чорвачиликни ривожлантириш соҳасида катта ютуқларга эришилди.

Совхознинг энин майдони айтарлик катта эмас. Жами 538 гектар. Бу ернинг бир метри ҳам бўш қўйилмайди. Кемтик ерларга, марза ва уватларга арпа, сули, жўхори, беда экилади. Хуллас мавжуд ер ердан кўплаб картошка ва сабзавот етиштириш билан бирга 208 бош қорамол, 600 бош чўчқа, 6 минг товуқ ва 12 минг жўжа учун ёзин-қишин бемалол етадиган сифатли озуқа ҳам етиштириб оладилар.

Емиши ва қарови соз бўлганлари кейин чорва маҳсулдорлиги албатта юқори бўлади-да. Мана, совхоз бўйича 1962 йили чорва туёғи пландагидан ортиқ бўлгани ҳолда ҳар бир сигирдан 3284 килограммдан сут соғиб олинди. Юз бош сигирдан 112 бош бузоқ олинди ва улар соғлом сақлаб қолинди. 35 она чўчқанинг ҳар биридан 27 ўрнига 34 тадан насл олинди. Гўшт етиштириш плани ортиғи билан адо этилди.

Ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 651 килограммдан сут, 111,4 центнердан гўшт етиштирилди.

Совхоз чорвадорларининг бу йилги мўлжали янада катта. Улар соғин сигирларнинг ҳар биридан 3800 килограммдан сут олиш, 100 бош сигирдан 120 бузоқ, ҳар бир она чўчқадан 34 тадан бола олиш ва уларни яхши семиртиришга аҳд қилганлар. Ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобидан давлатга 800 литрдан сут, сўйилган вазнда 130 центнердан гўшт ва 800 минг дона тухум етиштирамиз, дейишяпти улар.

Бу катта ваъда, аммо мақтанчоқлик эмас. Фермаларда, озуқа етиштирувчи бригадаларда иш яхши бораяпти. Чўчқалар янги ўрилган барра нўхат билан, қорамол ва паррандалар хилма-хил тўйимли озуқалар билан боқиляпти. Бунинг самарали натижаси ҳозироқ кўриниб турибди. Совхоз бўйича 4 ойлик гўшт, сут, тухум топшириш, туёқни кўпайтириш топшириқлари ортиғи билан бажарилди.

Елена Михайловна Собкалова бошчилик қилаётган товуқчилик фермаси ишчиларининг меҳнатини ҳар қанча мақтаса арзийди. Улар жўжа, товуқ ва хўрозларни алоҳида-алоҳида боқишаяпти, 12 минг жўжани соғлом ўстиришаяпти.

КПСС аъзолигига кандидат, область Советининг депутати Елена Собкалова бу ерга бошлиқ қилиб тайинланганидан кейин «торт-торт»ларга чек қўйди, фермада қатъий тартиб ва мустаҳкам интизом ўрнатилди. Паррандалар парваришига эътибор кучайтирилди. Мана ўтган тўрт ярим ой ичида ферма тухум ва паррандa гўшти етиштириш бўйича ярим йиллик планни ошириб бажарди.

Чўчқачилик ва қорамолчилик фермаларидаги ибратли иш шундан иборатки, бу ерда сунъий қочириш одат тусига кирган, молларнинг қисир қолишига ва бузоқ ёки чўчқа боласининг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Бузоқлар суткасига ўрта ҳисобда 550 ўрнига 660 граммдан семиртирилаяпти. Гўштга топширилаётган чўчқаларнинг вазни 94 килограммдан кам бўлаётгани йўқ.

Умуман, ҳар юз гектар ер ҳисобига гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш бўйича 1965 йил даражасидан ўзиб кетган бу «Ўзгариш» совхози чорвадорларининг тажрибаси областимизнинг кўпгина колхоз ва совхозлари учун ибратлидир.

Совхоз коллективи бу йил чорва маҳсулдорлигини ошириш ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархини камайтириш соҳасида республика бўйича биринчи ўринни олишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

З. ИСРОИЛОВ,
З. ОРИПОВ.

ДАЛА КУНДАЛИГИ

РЎЗАНИ СУҒОРИШНИ КЕЧИКТИРМАНГ

Ҳозирги об-ҳаво шароити деҳқончилик учун бирмунча ноқулай келмоқда. Осмон гумбазидан пағ-пағ булутлар аримай қолди. Бир кун ҳаво очиқ бўлса, эртасига ана шу булутлар қуюқлашиб ёмғир ёғмоқда. Ҳарорат ҳам анча паст. Албатта бу ҳол экинларнинг ривожига анча халақит бермоқда. Ғўза соф ҳаво ва қуёшнинг иссиқлигидан яхши бахра ололмай суст ривожланаяпти. Лекин бу деҳқонларимизни сира-сира саросимага солмаслиги лозим. Ҳар бир картанинг тупроқ шароитига қараб оқилона тадбирларни амалга оширган деҳқон табиат қийинчиликларини енгади, кўчатларнинг яхши ривожланишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам у ёки бу тадбирни амалга оширганда бу қандай бўларкин, деб иккиланишга сира йўл қўймайлик.

Ҳамма куч ва имкониятларни ишга солиб яганалашни яқин 2—3 кун ичида тугаллаш энг муҳим вазифа. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ортиқча кўчат бегона ўт сингари ғўзани озиғига, сувига шерик бўлади. Шунингдек узунасига культивация билан бир вақтда кўндалангига культивация қилиш планининг ҳам сўзсиз бажарилишига эришиш лозим.

Хўш, суғоришчи? Очиқ айтиш керак баъзи деҳқонлар бу масалада нотўғри фикр ва мулоҳаза юритмоқдалар. Улар ёғингарчилик кўп бўлаяпти, ерда, нам етарли деб ғўзани суғоришни орқага чўзмоқдалар. Шу тўғрими, йўқ, албатта. Ёмғир ариқ сувининг ўрнини босолмайди. У экинни қатқалоққа бостириб, димиқтириб қўяяпти. Бунинг устига баҳорикор ерларда бугун ёмғир ёғса, икки кун ўтар-ўтмас ердан нам кўтарилиб кетади.

Демак шундай экан, бундай майдонларда суғоришни сунъий равишда кечиктириш—бу ҳосилга путур етказиш демакдир. Лекин Бўка, Ўрта Чирчиқ районларидаги баъзи бир хўжаликларда худди шундай қилинмоқда. Улар ердаги нам ҳали етарли деб сув қўйишни орқага чўзмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, Бўка, Ўрта Чирчиқ бошқармаларидаги баъзи хўжаликларда ғўзага сув қўйиш кечикмоқда.

Мўл ҳосил учун курашда ҳал қилувчи ва долзарб кунлар ўтиб бораяпти. Ана шу дамларнинг қадрига етиш керак. Ҳар бир колхоз, ҳар бир совхозда ғўзани культивация қилиш, озиқлантириш, яганалашни йўлга қўйиш билан бирга ўсимликнинг ҳолати, картанинг тупроқ шароитини ҳисобга олиб, суғоришни тўғри йўлга қўяйлик. Агрономлар, бригада, звено бошлиқлари бу ишнинг сифати устидан контроллиқни кучайтиришлари лозим.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ...

ЯНГИЙЎЛ. (Ўз мухбиримиздан). Ҳозир колхоз далаларида бўлсангиз бир текис ундириб олинган ғўзаларни кўриб, дилингиз қувнайди. Пахтакорлар ғайратларига ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Тўғри, кетма-кет бўлиб ўтган кучли ёмғир деҳқонларнинг ишини бироз қийинлаштирди. Бироқ уста пахтакорлар, миришкор деҳқонлар бамаслаҳат бир фикрга келиб табиий офат туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун шошилинч чора кўрдилар. Жумладан, «Ленинизм» колхозида қаттиқ ёмғир туфайли бир неча юз гектар ернинг кўчати ола бўлиб қолган эди. Қўшни хўжаликлардан тракторлар, культиваторлар ёрдамга келди. Икки кун ичида оласига чигит экиш тугалланди. Экилган чигит тез униб чиқди. Ҳозир ана шу чигитлардан униб чиққан ғўзаларнинг ривожи яхши. Илгари экилган ва ундириб олинган ғўзалардан сира қолишмайди.

Район хўжаликларида бегона ўтга қарши кураш айниқса кучайтириб юборилди.

— Шундай бўлиши ҳам керак-да, — дейди Киров номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной Охунова, — ёғингарчилик кўп бўлганлиги туфайли ўт ўсиб кетди. Агар унинг олди олинмаса ғўзанинг ривожини суслаштириб қўяди. Биз ўз даламиздан 111 тонна ғумайни юлиб олдик. Уни чеккага чиқариб қуйдириб ташлаганимиз йўқ. Чорвага озуқа бўлди. Шу билан икки нарсадан ютдик: даламиз ғубордан тоза бўлди, чорванинг ем-хашагига мадад берилди.

Бошқармадаги «Москва» колхозининг далаларида ўтга қарши кураш учун махсус бригада тузилган. Мана шу бригаданинг аъзолари: М. Авазхўжаева, Г. Исҳоқова, Абдураҳмон ака Иўлчиев ўртоқлар картама-карта юрадилар. Улар культивациядан кейин ҳам қатор оралаб, қолиб кетган бегона ўтларни илдизи билан юлиб, далани ўтдан тозалайдилар.

Мана, колхознинг Турсуной Иўлдошева бошлиқ бригадаси далалари. Бир текис ва бир қатор ғўзаларни кўриб азаматларнинг ишига тан берасиз. Колхоз бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун бошланган ўзаро социалистик мусобақада бу бригада аъзолари пешқадамлик қилмоқдалар.

— Ҳозир ҳар гектар еримизда 105-110 минг туп кўчат бор, — дейди Иўлдошева, — биз бунга чигит экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиб бир текис ундириб олганлигимиз туфайли эришдик. Чигит ердан униб чиқиши биланоқ парваришни бошлаб юбордик. Ундан кейин тўла гектар учун курашиб, карта чеккалари, дала бурчакларини ҳайдаб ҳам чигит экдик. Хуллас, чигит тушмаган бирон қарич ҳам ер қолмади. Мақсадимиз не-не машаққатлар билан қўлга киритган ана шу кўчатларимизни ҳосил пишиб етилгунгача сақлаб қолишдан иборат. Бригадамиз аъзоларининг шу кеча-кундуздаги диққат-эътибори ана шунга қаратилган. Тўғри, об-ҳаво анча ноқулай келиб ғўзаларнинг яйраб ривожланишига эркинлик туғилмаяпти. Лекин биз табиат қийинчиликлари олдида қўл қовуштириб тураётганимиз йўқ. Культивация билан бирга озиқлантиришни қўшиб ўтказиб ғўзани ёшлигида ўғитга тўйдирмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам бу бригададаги ишлардан ўрнак олса арзийди. Культивация икки сменада ўтказилаяпти. Бу ишга Турсунойнинг умр йўлдоши Тошпўлат Даминов ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Янгийўл бошқармасидаги хўжаликлар далаларини айланасангиз мўл ҳосил иштиёқида меҳнат қилиб, ибратли тадбирларни амалга ошираётган ана шундай деҳқонларни кўп учратасиз. Уларнинг мақсади бир: етти йилликнинг бешинчи йилида мамлакатга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига ҳозирдан пухта замин яратилишига қаратилган.

Бошқарма бўйича деярли барча пахта майдонлари ўтдан тозалаб олинди. Эрта-индин ғўзанинг иккинчи парваришини ҳам тугалланади. Яганалаш ҳам сифатли ўтказилди. Янгийўлликлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ана шундай меҳнат қилмоқдалар.

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

МЕҲР

Ўнг келган балиқ овидан сўнг Мўмин ака билан ўлжаларимизни йиғиштириб йўлга тушдик. Тоғ дарёчаларида тутилган маринка балиғи жуда ҳам лаззатли бўлади-да. Шунинг учун ҳам ҳазил-ҳазил билан тўғри Шовасой бўйлаб кетган йўлдан қайтмасдан, суқмоқ йўллар билан овчилар уйига тушабошладик.

Кетимиздан эргашган Олапар эса олдинда югуриб кетаётган эди. Уни биринчи бор кўрган киши бўри деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам қишлоқда лақабини «Бўри» қўйсангиз мос келарди, деб қолишади.

Олапар бирданига қулоқларини диккайтириб ўзини тепаликдаги чакалакзорга отди. Бир дам ҳам ўтмай у ердан она какликнинг безовталаниб какиллаган овози эшитилди. Мен чарчаганимни ҳам унутиб «нима гап экан?» деб ит кетган томонга югурдим. Қарасам, чакалакзорнинг орқасидаги яланглик ўртасида Олапар қотиб турар, атрофида эса каклик ярадордек қанотларини ерга судраб югурар эди.

«Нима бўляпти» дегандек кетимдан етиб келган Мўмин акага қараб қўйдим.

— Эҳтимол, шу ўртада унинг болалари яширинган-дир.

Олапар, оёғи толганиданми, қимирлаб қўйган эди, тагидан каклик боласи отилиб чиқди. Бечора ҳали учишни билмаса ҳам кичкина қанотларини қоқа-қоқа лапанглаб югуриб кетди. Унинг чийиллаши худди «она, ёрдам бер!» дегандек туюлар эди.

Олапар бир сакрашда унга етиб олди ва яна оёғи билан каклик боласини босиб, ҳазиллашгандек она какликка қараб қўйди-да, боласини томоша қилабошлади. Қушча яна қаттиқроқ чийиллади. Беҳосдан «мажақлайди» деб юборибман. Мўмин ака «йўқ» маъносида бошини қимирлатиб қўйди. Она каклик эса ток ургандек бир сапчиб тушди ва итнинг тумшуғи ёнига келиб қанотларини жон-жаҳди билан қоқа бошлади. Унинг кичкинагина думалоқ кўзларида шунча ваҳима бор эдики, қўрққанимдан «Олапар!» деб қичқирибман. Лекин ит менинг овозимга парво ҳам қилмай ҳамон қушчани томоша қиларди. Она каклик яна бир неча бор қанотларини итга текиза-текиза унинг атрофида айланди. Ит эса фақат кесилган калта думинигина ликиллатиб қўйди, холос.

Ҳамма ҳаракати беҳуда эканлигини сезган она каклик осмонга кўтарилди ва шу дамнинг ўзида қанотларини ёпди-да, худди тошдек отилиб келиб ўзини итга ташлади. Унинг урилишидан Олапар бир айланиб тушди ва акиллаганича думини қисиб биз томонга югурди.

Она каклик майдон ўртасида туриб ит кетган томонга қолибларча боқди-да, ўз боласининг олдига югурди. Уни урушгандай бўлибми, ёки эркалаб ардоқлаганиданми, бир нарсаларни чуғурлаб иккиланиб чакалакзорга кириб кетишди.

— Меҳр деган қандай нарса-я, ўлимдан ҳам қўрқмай ўзини итга урганини қаранг! — деди қайтар эканмиз Мўмин ака ва «она-да» деб кўшиб қўйди.

Бу сўз шунча меҳрибонлик ва ғурур билан айтилдики, унда олам-олам маъно бор эди.

М. ЗОКИРОВА.

МАРРАГА ЕТДИЛАР

СИРДАРЁ. Барг қирқишни намунали йўлга қўйиб, қуртларни тўйдириб боққан «Победа» колхози пиллачилари биринчилар қатори маррага етдилар. Ҳозиргача давлатга 80 қути қурт уруғидан пландаги 40 центнер ўрнига 48 центнер юқори сифатли пилла топширилди.

Шу кеча-кундузда давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

Пилладан мўл ҳосил олган колхозчилар кўп. Жумладан, Қумри Нормирзаева бир ярим қути қурт уруғидан 150 килограмм, Шакар Назарова бир қути қурт уруғидан 90 килограмм пилла топширди. Шунингдек Нурия Шотурсунова, Шин Надежда ўртоқлар ҳам яхши кўрсаткичга эришдилар.

— Биз, — дейди колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи Абдураззоқ Бозоров, — етиштирган ҳосилимизни охиригача йиғиб-териб давлатга яна 12 центнер пилла топшириш учун курашамиз.

Ф. ИСАЕВ.

* * *

БЕКОБОД. «Чаноқ» совхози биринчилар катори планни бажарди. Совхоз бўйича давлатга 3100 килограмм пилла етказиб берилди. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб яна 400 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар. Планнинг бажарилишида Султонов, Ҳ. Жўраева сингари пиллачиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб ҳосил топширдилар.

«Коммунизм» колхози пиллачилари ҳам мавсумни муваффақиятли якунладилар. Улар мамлакатга 16,5 тонна аъло сифатли пилла топшириб ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Т. Қўшматова, З. Тошматова, Ҳ. Қосимов каби пиллачилар айниқса ғайрат кўрсатиб ишладилар.

Т. АЛИМОВ.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

«Менда 14 та асалари уяси бор. Асал кўп фойдали, шифобахш маҳсулот. Уни ҳар қанча кўпайтирса шунча яхши. Мен ўзимдаги шу асалари уяларини бирор колхозга тақдим этишни истардим. Ўзим олий маълумотли агрономман. Пенсионер бўлсам ҳам ўзимни бақувват, бардам ҳис қиламан. Асаларичиликни ўргатай, уни ривожлантиришга ўзим боқишаман. Бошқа қишлоқ хўжалик ишларига ҳам қўлимдан келганча қарашишим мумкин. Бу билан мен халқимиз фаровонлиги учун кичиккина ҳисса қўшсам деган умиддаман.

С. Я. МОРОЗОВ».

Бу истак — ариза Тошкент қишлоқ область партия комитети номига ёзилган эди. Сергей Яковлевичнинг истаги қондирилди. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасида ёш авлодга кўп ҳунар, чуқур билим ўргатадиган 27-мактаб бор. Ишлаб чиқариш таълимини берадиган ўнбир йиллик экспериментал мактабнинг ёш мичуричилари қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштирганликлари учун Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қатнашишган.

Ватанпарвар Морозовнинг ташаббуси билан бу ўқувчилар яна бир ҳунар — асаларичилик ҳунарини эгалламоқдалар. Морозов асалари уялари билан мактабга кириб келганда уни қанча қувноқ кўзлар, жўшқин қалблар шодлик билан қарши олишди. Шунда мактаб директори Юсуп ака Мўминов ўқувчиларга:

— Болалар, бу одам сизларга ўзининг шахсий мулкини, йилига 100 килограммлаб бол бериб турган асалари уяларини савғо қилди. Энди Сергей Яковлевич сизларга асаларининг тилини ҳам ўргатиб қўймоқчи, — деганди. Шу куни асаларичиликка қизиқиб қолган ўқувчилар Морозовни ўраб олишди. Уларга яна бир меҳрибон, тажрибали мураббий келганидан қувонишарди. Морозов ҳам ҳар нарсага қизиқувчан ўғил-қизлар билан тезда тиллашиб кетди. 47 ўқувчидан иборат асаларичилик тўгараги ташкил этилди.

Олиҳиммат отахонимиз Морозов ёшларга шу кундан эътиборан энг яхши фазилатларни сингдира бошлади. Эл-юртга хизмат қилиш, жамоатга наф етказиш ҳақида гап юритганда Сергей Яковлевичнинг оғзидан бол томади.

Ҳимматингизга раҳмат, ўртоқ Морозов.

Сиз суратда кўриб турган ўқувчилар ана шу ёш асаларичилар. Уларга бол олишнинг йўлини ўргатаётган раҳбар эса Сергей Яковлевич Морозов.

Ф. УСМОНОВА,
А. Абалян фотоси.

Дафна дарахти баргидан ясалган катта гулчамбар... Жаҳондаги мамлакатларнинг энг яхши шахматчилари бу гулчамбарни кийишни орзу қиладилар... Михаил Ботвинник, Василий Смислов, Михаил Таль каби нучли совет шахматчилари сафига 9-жаҳон чемпиони Тигран Петросян қўшилди. Тигран Петросян дафна дарахти баргидан ясалган гулчамбарни қарийб икки ой давом этган қизғин нурашлар натижасида қўлга киритди.

Суратда: Т. Петросян гроссмейстер И. Болеславский билан бирга ўйналган партияларни муҳокама қилаётир.

В. Ун Да-син ва В. Мастюков фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Ибратли иш

Чирчиқ шаҳар комсомол комитетининг ташаббуси билан шаҳарда «Комсомольский огонёк» радио-журнали ташкил этилди. Журналга комсомол активлари кенг жалб этилган. Комсомол ташкилотларининг секретарлари, пионервожатийлар, комсомоллар ўзларининг хабар ва мақолаларн билан радио-журналга қатнашмоқдалар. Журналда шаҳар ёшларининг ҳаёти кенг ва атрофлича ёритилмоқда.

В. ШУЕВСКИЙ.

ҚАНЧА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАНДИ

МАЪЛУМОТ
28 МАЙГАЧА
Планга нисбатан процент ҳисобида

Бошқармалар	Мавсум бошидан бери
Бекобод	116,7
Оққўрғон	103,3
Калинин	96,5
Бўка	90,2
Янгийўл	88,5
Ўрта Чирчиқ	76,8
Юқори Чирчиқ	54,5
Область бўйича	87,6

ГУЛИСТОНЛИКЛАР БЎСТОНИДА

Баҳор келиши билан Чотқол бағридаги соҳибкорлар қишлоғи—Паркент боғлари яшил либос кияди. Сойларнинг сувлари ёқимли соз чалиб оқади, серсоя тол-тераклар, денгиздек мавжланаётган поёнсиз бугдойзорлар, қўл чўзса етгудай қорли чўққилар, ором-бахш сабоси кишини ўзига мафтун этади.

Атрофи ям-яшил тоғлар билан ўралган серфайз бу қишлоқнинг гулдай гўзал, атрдай хушбўй, асалдай лаззатли, тил ёрар узумларини-ю, ширин-шакар олма-анорларини еб хумордан чиқмаган киши армонда қолади.

Миришкор боғбонларнинг олтин қўллари билан бунёдга келтирилган ажиб бу даргоҳ шу кунларда меҳнат нашъаси билан яшамоқда, ҳуснига-ҳусн, файзига-файз қўшилмоқда.

Ҳисарак, Қуруқсой. Чимир меҳнаткашлари бир ёқадан бош чиқариб, колхозимизнинг номи «Гулистон» бўлсин, дейишганда адашишмаган.

Боғбонларнинг айни иши қизиган палла. Ишкомларда яшил яproқлар орасидан мўралаб турган ғуж-ғуж узум шўралари ҳар кимни ҳам сеҳрлаб қўяди.

— Нечта экан? — дейди агроном Эркабой Хусанов бир туп токнинг шўраларини санаб турган бригадир Абдувоҳид Каримов ёнига келганда.

Агар бу шўраларни тўла сақлаб қолсак, ҳар тупидан 40 килограммдан узум оламиз. Мана буни қаранг, яна нуқул ўтган йилдагидек виставка боп-а! Меҳнатимиз зое кетмайдиган кўринади. Ўтган йили Москвада ширинаки ўйнаб, биринчи даражали дипломни олган мана шу «Гулбоғ»нинг нимранги билан хусайниси эди-да.

Бригадир бир зум ўйланиб қолди: яшил либосга бурканган қирга, дам узумзорга қарарди. Қилинган ишларни кўнглидан бирма-бир ўтказди. Токзорларда қишда яхоб суви берилиб, эрта баҳорда ўғитлаб шудгорланган, ўсимлик дориланиб, қатор оралари икки томонлама ишланди...

— Юз центнери берган бу саҳий ер 120 центнерни ҳам беради, — деди бригадир агрономга.

— Ёмон меҳнат қилмадик, мўлжалдаги ҳосилни олишимиз мумкин. Чамамда ҳам 120 дан ками кам, — бригадирнинг гапини маъқуллади ток навдаларини тараётган оппоқ соқолли кекса соҳибкор, — энди буёғини бўшаштирмасак бўлгани.

Эргаш ота 70 дан ошибди ҳамки, тиниб-тинчимайди. Бу ерда Эргаш отага ўхшаган ўт юракли қариялар кўп. Мана, Мақсуд ота. Қўчқор ота. Мирхайит ота... Улар пенсионер бўлишларига қарамай, азамат ёшларимиз билан бир сафда туриб жамиятга, колхозга озми-кўпми иш қилиб фойда келтириш орзуси билан яшамоқда.

Шу вақт «КД-35» тракторини тариллатиб Тиркаш Юсупов келиб қолди. У қатор оралаларини юмшатмоқда эди.

— Шундай қилиб икки томонлама ҳайдашни ҳам тамомладик дегин, — дейди Абдувоҳид ака трактордан тушиб келган Тиркашга.

— Ҳа, бу йил ҳам кўксингиз ярқирайдиганга ўхшайди. Ўтган йили виставкадан мукофотга келган гиламингиз торлик қилиб қолди шекилли, бу йил яна каттароқ келади. — кулиб туриб деди тракторчи Тиркаш ака.

«Гулистон» колхозида ҳозир дала ишлари айни қизиган пайт. Бу хўжалик давлатга 40 минг центнер бугдой, 1 минг 500 центнер гўшт, 2 минг 660 центнер сут ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериши керак. Лекин хўжаликнинг асосий тармоғи боғдорчиликдир. Ўтган йили боғдорчиликнинг ўзидан колхоз 147 минг 487 сўм даромад қилди. Бир центнер узумнинг таннархи 15 сўмга тушди.

Колхоз раиси Эгамберди Холматов хўжаликнинг ривожланаётганидан қувониб дейди:

— Колхозимиз қаддини ростлаб олган хўжаликлардан. Бу йил ишларимиз ҳар соҳада чакки эмас. Колхозчиларимиз 13 минг центнер узум, ҳар хил мева етиштиришни кўзлаб ишлаяпти. 337 гектар токзоримиз, 145 гектар ўриқзор, олмазоримиз бор. Бу йил янгидан 30 гектар боғ қилдик. Колхозимиз кўпдан бери халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қатнашчиси, бултур ўн тўрт колхозчи узумдан кўп, сифатли ҳосил олгани учун виставканинг кичик кумуш медали билан мукофотланди. Абдувоҳид Каримов, Азиза Расулова, Маъмур Тўлаев, Ўтан Турғунбоев бошлиқ бригадаларда айниқса юқори ҳосил олиняпти. Мўл ҳосил олишнинг сири — ток тупларининг тўлалигини таъминлашда, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишда, токнинг тилини билиб яхши парвариш қилишда. Қишда токларга уч марта яхоб суви бердик. Қишнинг совуғи юмшаши билан турли касалликларга қарши икки марта дори сепдик. Ернинг талабига қараб камқувват ерларга 7—8 тоннадан гўнг солдик. Бизда асосан узумнинг сафирави, сояки, оқ мускат каби вино сортлари, майизбоп қора кишмиш навлари ўстирилади...

Гулистонлик соҳибкорларнинг механизацияга ихлоси баланд. Колхоз узумзорларидаги ишларнинг 70 процентига яқини механизация воситаси билан бажарилмоқда. Токзорларда еттита «КД-35» трактори ишлаб турибди.

— Қаловини топсанг қор ёнар экан, — дейди колхоз агрономи Эркабой ака, — колхозимиз 1952 йилда гектаридан зўрға беш центнердан узум олар эди. Мана ҳозир ҳосилдорлик 20 баравар ошди.

Боғбону чорвадор, деҳқону ғаллакор, қўйингчи ҳамма-ҳаммасининг қалбида КПСС XXII съезди қарорларини ҳормай-толмай амалга ошириш иштиёқи ҳукм суряпти.

Катта мақсад йўлида астойдил ишлаётган навқирон йигитлар, дилбар қизлар, нуроний кексалар ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, янги ғалабаларни қўлга киритишга отланганлар.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
С. ХОЛНАЗАРОВ
Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси.

ФЕЛЬЕТОН
БОР, БАРАКА!

Яқинда бир даврада якшанба куни шаҳарда биринчи бўлиб ким уйғонади, деган мавзуда бахслашиб қолишди. Биров Каримполвон деса, бошқаси Икром даллол дейди. Яна бири эса Дамин жаллоб деб туриб олди. Охири, катта нарсадан гаров ўйнашди.

Буни қарангки, гаровда ҳеч ким ютолмади. Сабабини, бу шартга сабабчи бўлган кишиларнинг учаклови ҳам бир вақтда уйғониб, бир вақтнинг ўзида «иш» бошлашар экан.

Ҳа, улар ҳар якшанба куни саҳархез хўрозлар қўнқидан тушмай эринибгина чақиришлари билан Кўнтерандаги мол бозорининг қоқ ўртасида ҳозиру-нозир. Ана шундан сўнг кенирдак чўзиб томоқ йиртишлар, сўм устида тиш синдиришлар бошланади. Бир томонда кўнтеранлик девқомат Каримполвон. Айтишларича у йўрганда ётганидаёқ «бор барака» деб тил чиқарган экан. Шунинг учун ҳам далолат қилишни энди ўрганаётган баъзи ширинкомахўрлар полвонни пир тутиб қўл беришганмиш. Нариғидаги тўдада учта қўйни ушлаб турган Икром даллол Зиёмуҳамедов бўладилар. Бу киши Октябрь район коммунал хўжалик бўлимида ишимига мироб. Иннайкейин дружиначи бўлиб ҳам ёзилиб қўйганлар.

Ҳўв анови қашқа ғунажиннинг бўйнига қўл ташлаб турган зотишариф Дамин Рихсиев. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозида истиқомат қилади. Мол бозорининг энг катта «кузири» шу. Бирорта олдисотди унинг изидан ташқари бўлмайди. Етти пушти билан Октябрь район Каллахона маҳалласидаги гўшт бозорини «гуллатиб» келаётган машҳур Ғафур қассоб ҳам шу ерда. Унинг фикри-зикри бозордан арзонроқ иплаштириб тунда уйда тўнтарса-ю, барвақт бозорга ғириллатса.

Шундай қилиб десангиз, бозор қизиб кетди. Даллолларимизнинг жаги тинмайди. Теварак-атрофдан қўй-қора етаклаб келган колхозчилар, яхши ният билан жонлиқ сотиб олмоқчи бўлиб турган харидорлар уларнинг ёнида маҳлиё.

Болалик қора говмиш сигирнинг арқонини Каримполвон ушлаб олган. Сотувчи — кенса аёл ҳайрон.

— Бўлди энди, йўқ деманг, — кампирнинг қўлини силкита бошлади.

— Боринг — барака!

— Шакари ёгингизда!

— Ҳаммаси кам, пиёзи кам...

Сотувчи ҳараса бўлмайдиган. Атрофини ўраб олиб, аридай ғўнғиллаб, гангитиб қўйишди. У ночор «хўп» деб юборди.

— Иш деган мана бундай бўпти. Ширинкомани чўзинг! — Полвон кампирдан 8 сўмни юлиб олгач, наридаги такага қараб югурди.

Икром даллол хуноб. Қўйнинг эгаси ҳа деганда унайбермади. Бунда Ғафур қассоблар «ёпиштиринг» деб кўз қисиб туришибди.

— Ҳой ука, — деди Икром ака бўғизланган жониворнинг хириллашига ўхшаш овоз билан, — шу аманинг худойига олиб бориб сўйди. Савобига сен ҳам шериксан, йўқ дема.

— Бор, барака! Қани бўл, уч узат, доги ичида...

Ҳаш-паш дегунча бир неча қўй-мол сотилди. Текин пул бериб дўппосласангиз ҳам ғинг демай туриб берадиган елим даллолларимиз қўй сотгандан 3-5 сўмдан, бузоқ-сигир сотганлардан эса 5-10 сўмдан қоқиб олишди. Ишонмасангиз полвондан сўранг, у бир соат ўтар-ўтмас чопонига қоплатиб олган халтасига 18 сўмни ташлади.

Кўринишда икки мўминнинг ишини битказиб, катта савобга даҳлдор бўладиган Дамин кузир бўлса айтганига кўнмаган сотувчи ёки харидорнинг оч биқинига туширишиб қолишдан ҳам тоймайди. Олдинига бор ҳунарини ишга солиб, далолат қилади, беш-ўн сўм иштиёқида ялинади-ёлворади. Ана шундан сўнг ғирт муттаҳамлик томонига ўтиб олади. Баъзан дам сотувчининг, дам харидорнинг қулоғига бир нималарни шивирлайди. Хуллас, мўлжалдаги насибани қўлга киритгунча ўзини минг оҳангга солади.

Кўнтерандаги мол бозорини ана шунга ўхшаш тўрт-беш юлғич «сўраб» ётибди. Уларда на диёнат ва на инсоф бор. Ҳалол меҳнатдан гапирсангиз, қирқ газ сапчишади. Чунки даллоллик, жаллобликдан тушаётган текин даромадлар оғирлик қилиб андиша-ю, ор-номусни босиб кетган.

Хўш, ўндан тўққизни уриб, бировлар ҳамёни ҳисобига бойлик орттираётган бу ғирт муттаҳамларга, сурбет даллолларга бозорнинг тўрини ким бериб қўйган? Бу саволга Карл Маркс қишлоқ Советининг раҳбарлари ҳам, бозорком директори Жаҳонов ҳам, мол бозоридаги савдогарларга қарши «нурашувчи» участка вакили Х. Мустафоев ҳам елка қисишлари турган гап. Чунки улар жамиятга сариқ чақалик наф келтирмайдиган Кўнтеран хирапашоларининг қанотини қирқишга жўръат қилишолмаяпти.

Энди Кўнтеран мол бозорига пашшахўрда бўлиб қолган юқоридаги товламачи, даллол-у, жаллобларнинг ўзларига ҳам нархнаво белгилашни Калинин район милиция ходимларига ҳавола қиламиз. Келишдикми?

— Бор, барака!

Н. НАСИМОВ.
М. ХАЛИЛОВ.

Пойтахтнинг Октябрь районидаги 141-болалар боғчаси соя-салқин ерга жойлашган. Бу ерда қувноқлар яхши тарбия топишмоқда.

Суратда: кичкинтойлар ўйин билан машғул.

Ғ. Тихонов фотоси.

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида, область районларида ва яйловларда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 14—16, область районлари ва яйловларда 13—18, кундузи Тошкентда 31—33, область районлари ва яйловларда 29—34 даража иссиқ бўлади.

Тошкент об-ҳаво бюроси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Баҳор тароналари** (мактаб ўқувчилари учун). 18.30 — **«Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтяник» (Боку) командалари ўртасида футбол**, танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар**. 20.15 — **Палата** спектакли (Горький номли театрдан).

Ўзбек тилида: 22.35 — **Телевизион янгиликлар**. 22.50 — **Рулда хизмат кўрсатган механизаторлар** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **«Қайрат» — «Динамо» (Киев) командалари ўртасида футбол** (Олмаота шаҳридан)

Ўзбек тилида: 20.15 — **Адабий топишмоқ** (мактаб ўқувчилари учун). 20.40 — **Клаус пионерлар слётига жўнайди** (қўғирчоқ фильми). 21.05 — **Новаторлар минбари** (саноат ходимлари учун). 21.25 — **Н. Э. Бауман** («Эсдалик кунлар календари» циклидан).

Рус тилида: 21.40 — **Аҳиллик балоси** номли фильм-спектаклнинг иккинчи серияси (томошабинлар талабига мувофиқ).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/V да **Оққуш нўли**, 30/V да премьера **Князь Игорь**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/V да **Тобутдан товуш**, 30/V да **Номус**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/V да **Тошболта ошиқ**, 30/V да **Фарғона ҳикояси**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 29/V кеч соат 8 да **Узбекистон санъат усталари концерти**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Шарқ аёллари — «ВАТАН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

1) Куба новелласи, 2) Реаленго 18 — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Дада сотиб олдим — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4.20 минутга-ча) «СПУТНИК» (эрталаб 9, 11 ва кундуз 1 да).

Бир йилнинг тўққиз куни (кундуз соат 2 ва кеч 6 да), **Рапсодия** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Икки ҳаёт (1 ва 2 серия) — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда бошланади)

Сенинг ҳам севгинг — «ВАТАН».

Қурбон — НАВОИЙ номли.

Мардлик ва олижаноблик — КАФАНОВ номли.

Пароль — «Виктория» — ТЕЛЬМАН номли.

Юқори табақага кириш йўли — 1 МАЙ номли.

Кўчма қалъа — «ПОБЕДА».

Шарқ аёллари — «ФЕСТИВАЛЬ», «ШАРҚ».

Гекльберри Финн саргузаштлари — «МЕҲНАТ».

Ҳамкасблар — «ПАХТАКОР».

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ТАШУВЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОТРЕСТИГА

автомобилларни ремонт ва эксплуатация қилишга доир механик инженерлар ва механик технинлар, шоферлар, автослесарлар, мотористлар, токарлар, автоэлектриклар, мисгар-тунукасозлар

КЕРАК

Педагогика кўчаси, 14-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар. Луначарский шоссе, 67-уйда турувчи **Нина Шайхиновна Скрикерянинг** Наманган шаҳар. Намангансой кўчаси. 40-уйда турувчи Леонид Яковлевич Скрикерядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин район. Ленин қишлоқ советидаги Калинин номли колхозда турувчи **Нишонбой Раҳмонбердиевнинг** шу колхозда турувчи Фарида Зайниддиновна Муҳитдиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Калинин район. Оржоникидзе посёлкаси. Оқуй кўчаси. 299-уйда турувчи **Шариф Нурматовнинг** шу уйда турувчи Галина Александровна Нурматовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область. Калинин район халқ судида кўрилади.

Чиғатой кўчаси, Ингичка проезд. 51-уйда турувчи **Мирзаабдулла Бадаловнинг** Чермет кўчаси. 62-уйда турувчи Муҳаббат Расулевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

Японияда зилзила

ТОКИО, 25 май. (ТАСС). Бугун Япониянинг марказий ороли бўлган Хонсюда ер қимирлади. Метеорология бошқармасининг берган хабарига қараганда, зилзиланинг маркази Ибарани префектурасининг соҳилида 40 километр чуқурлиндадир. Зилзиланинг кучи Мито ва Каниока шаҳарларида 2 баллга, Онахамада 7 баллга етди.

РЕПАТРИАЦИЯ ТАМОМ БЎЛДИ

ПЕКИН, 27 май. (ТАСС). Хитой-Ҳиндистон чегарасидаги конфликт вақтида асирга олинган 3942 ҳинд ҳарбий асирларининг ҳаммаси, шунингдек, яна 26 ҳарбий асирнинг жасади ва хоки солинган идишлар Ҳиндистон томонига топширилди. Синьхуа агентлигининг хабар беришича, буни кеча Хитой Халқ Республикаси мудофаа министрлигининг вакили айтган.

АТОМ АВИАНОСИ ГРЕЦИЯ СУВЛАРИДА

АФИНА, 27 май. (ТАСС). «Неа» газетаси хабар беради: Америка атом авианоси «Энтерпрайз» бугун Грециянинг Корфа оролига келди. 6-Америка флотининг икки эсминци ҳам авианос билан бирга келди. Матбуотнинг хабар беришича, бу авианосда ядро қуроли бор.

ГРЕЦИЯДА АНТИФАШИСТ МИТИНГЛАР ВА НАМОЙИШЛАР

АФИНА, 26 май. (ТАСС). Афина, Пирей, Салоники, Янина, Гераклионда янги антифашист митинглар ва норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Бу митинглар ва намойишлар 22 майда Салоникида тинчлик тарафдорлари йиғилишига неофашист ғалаларнинг ҳужум қилганлигига қарши норозилик сифатида ўтказилди.

Газеталарнинг хабар беришича, антифашистларга қарши полиция эмас, балки неофашист ташкилотларининг аъзолари, яъни Салоникида тинчлик тарафдорларининг йиғилишига ҳужум қилишда қатнашган неофашистларнинг ўзлари ташланган. Фашист қотилларга ва уларнинг ҳомийларига қарши нафрат мамлакатда кучайиб бормоқда. Бирлашган демократик сўл партия ва Марказ иттифоқи ҳукуматнинг дарҳол истеъфо беришини ва талаб қилдилар ва ҳукуматнинг Салоникидаги воқеалар учун жавобгар эканлигини таъкидладилар.

Айни вақтда фашистлар томонидан ярадор қилинган депутат Ламбракис ва депутат Царухаснинг аҳволи оғирлигича қолмоқда. Врачларнинг фикрича, Ламбракиснинг тирик қолишидан умид йўқ.

Газеталарнинг хабар беришича, полиция неофашистлар билан биргаликда кейинги кунларда қўлгина грек демократларининг қонини тўккан. Антифашист намойишлар вақтида юзларча кишилар ярадор бўлди ва қамоққа олинди.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР

ЖЕНЕВА, 27 май. (ТАСС). Бугун бу ерда қуролсизланиш билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлди. Мажлисда ядро синовларини тўхтатиш масаласи муҳокама қилинди.

Жозуэ де Кастро (Бразилия) раислигида ўтган мажлисда АҚШ, СССР, Болгария, Англия, Италия, Руминия, Чехословакия ва Бразилия вакиллари сўзга чиқдилар.

СССР делегати С. К. Царапкин Ўрта денгиз районида «Поларис» ракеталари ўрнатилган Америка атом сув ости кемалари жойлаштирила бошлаганлиги муносабати билан Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган нотасини мажлис қатнашчиларига ўқиб берди.

Совет делегати НАТО кенгашининг Оттавада ўтказилган сессиясига тўхталиб, бундай деди: Сессия қатнашчилари қуролланиш пойгасини ва, аввало, инсоният учун энг хатарли бўлган ядро қуроли билан қуролланишни кучайтиришга олиб борадиган қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорлар, деб таъкидлади С. К. Царапкин, қуролсизланиш йўлида янги ғовларни вужудга келтиради.

ЛАМБРАКИС ВАФОТ ЭТДИ

ЛОНДОН, 27 май. (ТАСС). Рейтер агентлиги Афинадан хабар беради: Греция парламентининг депутати Г. Ламбракис бугун кечаси Салоники шаҳридаги касалхонада вафот этди.

* * *

Тинчлик учун машҳур курашчи, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш умум Греция комитети раисининг ўринбосари, Греция парламентининг депутати. Г. Ламбракис тинчлик тарафдорларининг «Салоники шаҳрида 22 майда бўлган йиғилишида неофашистларнинг бандитларча ҳужуми вақтида жуда қаттиқ ярадор қилинган эди.

Грециянинг тинчликни ҳимоя қилиш учун тинмай курашаётган оташин ватанпарварига грек фашистларининг ваҳшиёна ҳужум қилганлиги мамлакат аҳолисини ғоят ғазаблантирди. Фашизмнинг йўлини тўсиб қўйиш, қотилга қаттиқ жазолаш талаблари билан, ҳозирги грек ҳукуматининг истеъфо бериши талаблари билан бутун мамлакатда норозилик намойишлари ва митинглари бўлиб ўтди. Врачлар Ламбракис ҳаёти учун бир неча сутка давомида курашдилар.

Кўрилган барча чораларга қарамай, унинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Неофашистлар томонидан боши оғир яраланган Ламбракис ҳушига келмай, бугун кечаси вафот этди.

ҚАРОҚЧИЛАР ЖИНОЯТ УСТИДА ҚЎЛГА ТУШДИЛАР

ГУАЯКИЛЬ, 27 май. (ТАСС). Американинг балиқ овлайдиган бир неча кемаси Эквадорнинг территориал сувларида қонунга хилоф суратда балиқ овламоқда эди. Кеча қароқчи балиқчилар жиноят устида қўлга тушдилар. Эквадор ҳарбий денгиз кемаси — «Хамбели» Американинг балиқ овлайдиган икки қароқчи кемасини соқчилар назоратида Эсмеральдас портига олиб келди. Бошқа қароқчи кемалар тўрларини ташлаб, тумтарақай қочди.

Эквадор ҳарбий-денгиз маъмурлари халқаро ҳуқуқ қоидаларини бузиб, ўзгаларнинг территориал сувларида балиқ овлайдиган америка қароқчиларини қаттиқ жазолаш ниятида эканликларини билдирдилар.

ХИТОЙ САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХАБАРОВСКДА

ХАБАРОВСК, 27 май. (ТАСС). Хэйлунцзян вилоятидан вилоят савдо департаменти бошлиғининг ўринбосари Янь Вэнь-цин бошчилигидаги хитой делегацияси чегарадаги Совет-Хитой савдо-сотиқ масалалари юзасидан музокаралар олиб бориш учун бугун бу ерга келди.

1963 йилда бир-бирларига товар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилади.

СУД ЗАЛИДАН

Ўрганган кўнгил

Иброҳим Йўлдошев 1947 йилда бировнинг сигирини ўғирлаганлиги учун 6 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Қамоқдан чиққач, у орадан бир неча йил ўтказиб Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасига ишга кириб бракерлик вазифасида ишлай бошлайди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек у яна ўзининг эски «касби»ни қўмсаб қолади. Шу йилнинг 25 февраль куни ўртоғи Тўйчи билан 8 квадрат метр чармни уст-боши ичига яшириб фабрикадан олиб чиқиб кетаётганида жиноят устида қўлга тушди.

Яқинда И. Йўлдошевнинг жиноий иши Октябрь район халқ судида кўрилиб, у 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ҳ. ТОШХУЖАЕВ,
халқ маслаҳатчиси.

ФАЛОКАТ ЮЗ БЕРМАИДИ

МУЗЛИКНИНГ ҒАЙРИ ТАБИИЙ ҲАРАКАТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА● ОЛИМЛАР КУЗАТИШ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР● АҲОЛИ КЎЧИРИЛДИ.

Помир районидаги Ванч дарёси водийсига жойлашган Дальний посёлкасидан ҳаяжонли радиограммалар олинди: водийга Медвежий музлигининг етти километрлик тили мисли кўрилмаган тезлик билан сирғаниб келмоқда. 400 миллион тонна муз тушиб келаётир!

Бу хабар ва бундан кейин Помирга учиб борган экспедициянинг кузатишлари кишиларни ташвишлантирмоқда. Бир неча кун ичида музлик пастга қараб икки километрдан ортиқроқ кўчди. Унинг ҳаракат тезлиги анча камайган бўлса ҳам, ҳалигача суткасига 45—50 метрдан сурилиб турибди.

Музнинг бундай ғайри табиий тез ҳаракатланиётганлигининг сабаби нимада? Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Медвежий музлиги жуда тик қояларда ётади. Унинг умумий узунлиги 13 километрга тенг. Музликнинг қуйи чегараси денгиз сатҳидан 2980 метр баландликда жойлашган, унинг қаноти эса тоғ қоясидан пастга осилиб туради. Музлик ҳозир Хирсдор дарёси водийси бўйлаб СССР Фанлар академияси тизмасининг ғарбий қоясидан сурилиб келмоқда. Медвежий музлиги Совет Иттифоқидаги энг катта Федченко музлиги билан туташиб кетган. Музликнинг тўсатдан ва тез сурилиб келаётганлиги ер қатламининг ҳаракатлари билан боғланган бўлса, эҳтимол.

Музликнинг тушиб келиши хавф туғдирадими?

Музликлар бўйича энг йирик совет мутахассисларидан бири, гвография фанлари доктори, профессор Георгий Тушинскийнинг фикрича музликнинг ўзи хавфли эмас. Чунки бу жойда аҳоли кам яшайди. Яқинда музлик ҳаракат қилган районда ҳосил бўлган янги кўл хавфлидир. Бу кўл Абдуқаҳҳор тоғ дарёсининг ғўсилиб қолишидан вужудга келди. Агар муз тўғони бузилиб кетса, барча сув водига тошиб кетади. Бирмунча тез-тез бўлиб турадиган ва хавфли фалокатлар худди мана шундай муз тўғонларининг бузилиши орқасида кўп миқдордаги сувнинг қўққисдан босиб келиши натижасида рўй беради.

Бундай ҳоллар тарихдан маълум. Масалан, шу асрнинг бошларида Кавказдаги Орцвери музлигининг қуйи томони ажралиб кетди. У дара бўйлаб сурилиб, муз ҳавзаси ҳосил қилди. У ерда жуда кўп сув тўпланиб қолди. Муз тўғон бузилиб кетиб, Чхери дарёси водиси бўйлаб сув тошиб кетди. Натижада кўпгина талофатлар юз берди. 1948 йилда Альп тоғидаги Рофенское кўли 3 миллион кубометр ҳажмдаги сув билан бузилиб кетди. Бу ҳам катта фалокатга олиб келди.

Яқинда Перуда Раранк тоғли районида етти минг кишини ҳалок қилган қўрқинчли фалокат юз берди. Бу фалокат қўлдан сувнинг чиқиб кетиши оқибатида бўлди. У ердаги фалокатнинг олдини олиш мумкин эди. Фалокат юз беришидан анча олдин америкалик гляциолог, профессор Виктор Опенгеймер Перу ҳукуматига анча катта 15 та тоғ кўллари жойлашган районда кузатиш пунктлари ташкил этишни таклиф этган эди. Бироқ профессор Опенгеймернинг бу таклифи бажарилмади.

Совет Иттифоқида музликлар устидан махсус кузатишлар олиб борилади.

Помирдаги музликнинг ҳаракати бошланиши ҳақида хабар келиши билан у ерга бир неча илмий экспедиция, шу жумладан геологик, гидрологик ва метеорологик экспедиция жўнаб кетди. Бу музликни Москва университети география факультетининг махсус Помир экспедицияси бир неча йилдан бери ўрганиб келади. Олимлар музликнинг кўчиш тезлиги, унинг табиати, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланиб келганлар.

Медвежий музлигининг яхши ўрганилганлиги ҳозир рўй бераётган ҳодисанинг сабабини аниқ билиш ва хавфнинг ўз вақтида олдини олиш имконини беради.

Галина ЦИГАНКОВА
СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси. (АПН).

ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР ЎРТАСИДА

Душанба куни Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасида чиқадиган районлараро «Машъал» газета редакцияси ҳузурида ҳаваскор қаламкашларнинг биринчи семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Семинарга Оҳангарон ва Тўйтепа қишлоқларининг 30 га яқин ҳаваскори қатнашди ва ўзлари ёзган шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

Йиғилишда таниқли шоир Миртемир ўз сўзини «Шоир ва шеър» мавзуига бағишлаб, ёшларга ҳаёт, ижод ва меҳнат масалалари бўйича қимматли маслаҳатлар берди, янги ёзган «Тарсаки» шеърини ўқиб эшиттирди.

Шоир Хусниддин Шарипов яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар йиғилиши ҳақида сўзлади ва ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг ходими шоир Назармат редакцияга юборилаётган шеърларнинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисида гапирди, айрим ҳаваскорларнинг шеърларидан мисоллар келтирди.

Шунингдек, йиғилишда Оҳангарон, Тўйтепа қишлоқлари бўйича «Тошкент ҳақиқати» таҳририятининг 17 кишидан иборат мухбирлар пости тузилди.

Семинар-йиғилиш охирида тўғарак машғулотини ҳар ойда бир марта ўтказиб туришга, қалам соҳиблари билан ижодий учрашувлар ўтказишга келишиб олинди.

А. ЮСУПОВ.

ИНСОНИЯТ БАХТИ УЧУН БЕРИЛГАН ҲАЁТ

(Н. Э. БАУМАН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА)

Коммунистик партияни ташкил қилган буюк профессионал ленинчи революционерлар плеядаси орасида Николай Бауманнинг номи ёрқин нур сочиб туради.

Николай Эрнестович 1873 йил 29 майда Қозонда дурадгор-уста оиласида туғилди. Жуда ёшлигидан у қувноқ ва хушчақчақлиги билан ажралиб турарди. Унинг бу характери умрининг охиригача сақланиб қолди. 1891 йилда у Қозон ветеринария институтига киради. Студентлик йилларида революцион марксистик тўгараклар билан алоқа боғлаб, фабрика ишчилари ўртасида пропаганда ишлари олиб боради.

1896 йил кузида Бауман Петербургга келиб, Ленининг «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»нинг актив аъзоларидан бири, марксча-ленинча идеяларнинг пропагандисти бўлиб қолди. Питер ишчилари Макар Иванович (Бауманнинг ўша вақтдаги лақаби)ни яхши билардилар. У кураш ва ишчилар ҳаракатлари ва ишчи ва социал-демократик ҳаракатнинг ҳаммасини ёритиб берарди. Ленин Бауманнинг ғоят сидқидиллиги, қатъийлиги, унинг «Искра» ишига содиқлигини бир неча бор қайд қилиб ўтган.

1902 йилнинг февралида Украинага кетаётиб Николай Бауман изқуварлардан қутилиш учун поезддан сакрабди ва оёғи қаттиқ лат еди. У қишлоққача бориб олиб, маҳаллий врачга мурожаат қилади. Аммо врач полицияни чақиради. Яна қамоққа, бу сафар Киевдаги Лукьяновская турмасига тушади. 1902 йилнинг августида 11 искрачи Н. Э. Бауман бошчилигида мисли кўрилмаган жасурлик билан бу турмадан қочадилар.

1902 йилнинг сентябрида Бауман Швейцарияга етиб келади. У шу заҳотиёқ В. И. Ленининг ҳузурига келиб, партиянинг Иккинчи съездига тайёргарлик ишларига актив қўшилиб кетди.

В. И. Ленининг топшириғига мувофиқ Бауман ишчи ва социал-демократик ҳаракатни чуқур ўрганиш асосида Москвадаги социал-демократик ҳаракат ҳақида партиянинг Иккинчи съездига ғоят ёрқин доклад ёзди. Иккинчи съездда Бауман (Сорокин номи билан) Москва ташкилотидан делегат сифатида қатнашади ва ҳамма масалалар бўйича съезднинг ленинчи кўпчилигини қатъий қўллаб-қувватлайди. У меньшевикларга қарши чиқиб бир неча марта сўзлади. Бауманнинг Иккинчи съездаги сўзидан кейинчалик В. И. Ленин қайта-қайта цитата келтирган.

1903 йил декабрида В. И. Ленининг топшириғига мувофиқ Бауман яна Россияга жўнади. У Москва партия большевистик ташкилотига бошчилик қилди. Айни чоқда у партия Марказий Комитети Шимолий Бюросининг ташкилотчиси ва раҳбари эди.

Унинг бу жўшқин фаолияти янги ва сўнгги қамоқ билан узилиб қолди. 1904 йил 19 июнга ўтар кечаси Бауман қамоққа олиниб Таганск турмасига ташланди.

У 1905 йил октябрида озод қилинди. Бауманни Москва партия комитетига дарҳол қўшиб олишди ва у актив революцион ишга киришиб кетди.

1905 йил октябрида Москва партия комитети Олий техника билим юрти (ҳозирда Бауман номли Москва олий техника билим юрти) биносида ишчи, темирйўлчи, студентларнинг оммавий митингини ўтказди. Подшо манифестининг ҳақиқий мазмунини фош қилувчи резолюция қабул қилингач, Н. Э. Бауман бошлиқ намойишчилар ҳали ҳам қамоқда бўлган сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун Таганск турмасига томон бордилар.

Бауман қўлига қизил байроқ ушлаб олган ҳолда тўрт қилдиракли извошда ишчилар группасига етиб бориб, уларни намойишга қўшилишга таклиф қилганда Бауманга охранка агенти ташланади ва бошига чўян труба парчаси билан уриб, ҳалок қилади.

Москва пролетариати жанговар постда ҳалок бўлган жўшқин революционерни сўнгги йўлга муносиб равишда узатиб қўйди. 200 мингдан ортиқ Москва пролетарлари ва революцион демократия вакиллари саккиз соат давомида бутун шаҳар узра ўтиб бордилар. Ҳалок бўлган Бауман тириклигидаги каби оммани ўз орқасидан эргаштирди.

Бауманнинг номи ўз ҳаётини бутун инсониятнинг бахтли ҳаёти учун берган фидокор қаҳрамонлар номи каби абадий қолади.

Михаил КРИВОРУЧКО.
(АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» (4-БЕТ, 29 МАЙ, 1963 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33785. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 08225. ИНДЕКС 64695. А. 1603.